

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АРИПОВ ЗАКИР ТАХИРОВИЧ

**АРАБ МУСИҚА ТЕРМИНЛАРИ ТИЗИМИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ
(X–XV АСРЛАР ЎРТА ОСИЁ ОЛИМЛАРИНИНГ
МУСИҚАШУНОСЛИККА ОИД АСАРЛАРИ АСОСИДА)**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 811.411.21

КБК: 81.2-4

A – 75

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Арипов Закир Тахирович

Араб мусиқа терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиёти
(X–XV асрлар Ўрта Осиё олимларининг мусиқашуносликка оид
асарлари асосида) 3

Арипов Закир Тахирович

Становление и развитие системы арабских музыкальных терминов
(по произведениям среднеазиатских ученых X–XV веков по
музыковедению) 35

Aripov Zakir Takhirovich

Formulation and development of the system Arabic musical terms (on the
basis of works Central Asian scientists in X–XV centuries in music
studies) 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 71

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АРИПОВ ЗАКИР ТАХИРОВИЧ

**АРАБ МУСИҚА ТЕРМИНЛАРИ ТИЗИМИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ
(X–XV АСРЛАР ЎРТА ОСИЁ ОЛИМЛАРИНИНГ
МУСИҚАШУНОСЛИККА ОИД АСАРЛАРИ АСОСИДА)**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/Fil132 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Уватов Убайдулла
тарих фанлари доктори, профессор

Шодмонов Нафас Намозович
филология фанлари доктори

Абдушукуров Бахтиёр Бўронович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел./ факс: (99871) 233-45-21; (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

А. Қуронбеков
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон муסיқашунослигида мумтоз муסיқасининг асоси бўлган мақомларни ўрганишга ва ўргатишга эътибор катта. Шарқ халқлари муסיқа маданияти тарихини тадқиқ этишда ўрта асрлар муסיқа илмига оид ёзма ёдгорликлар асосий манбалар сифатида қаралади. Ота-боболаримиздан қолган улкан маънавий бойлик, қўлёзма асарлар, аждодларимиз яратган бебаҳо мерос қаторига муסיқашуносликка оид манбалар ҳам киради. X–XIII асрларда асосан араб тилида яратилган китобларда мантикий, назарий, «жамлар» – лад бирикмалари, муסיқашуносликка оид терминлар яратилган.

X–XV асрлар – Шарқ муסיқашунослигининг классик даврида Марказий Осиёдан чиққан олим ва мутафаккирлар Шарқ муסיқа илмининг шаклланишига ва ривожига асосий ва ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар. X–XIII асрлар – Шарқ муסיқашунослиги классик даврининг юқори босқичи саналиб, араб тилидаги илмий адабиётда كتاب الموسيقى, яъни «Муסיқа китоби» аталмиш жанр пайдо бўлди. «Муסיқа китоби» жанрида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур ибн Зайла, Абу Абдуллоҳ Хоразмий каби алломалар ижод қилган. Улар муסיқанинг келиб чиқишини турли афсоналар, диний ривоятлар билан боғламаган ҳолда, илмий ёндашув билан шарҳлаб, муסיқа илмини математиканинг таркибий қисми деб қараганлар. Улар яратган бу соф илмий йўналиш замондошлар ва салафлар томонидан қабул қилинган.

Ҳозирда мамлакатимизда барча жабҳаларда кечаётган ислохатлар даврида мумтоз муסיқа, айниқса, мақом санъатига эътибор кучайди. «Асрлар давомида улуғ шоир ва олимлар, моҳир бастакорлар, ҳофиз ва созандаларнинг машаққатли меҳнати ва фидоийлиги, ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат нафақат юртимиз ва шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шухрат ва эътибор қозонган»¹. Шу жиҳатдан, муסיқашуносликка оид манбаларнинг асосий қисми ўзбек миллий муסיқа санъатининг устувор асоси саналмиш мақом санъатининг илдизлари билан ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрда қабул қилинган «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-3391 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 сентябрь куни Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи ҳамда 2019 йил 19 мартда илгари сурилган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича Президентнинг бешта муҳим ташаббусида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ «Халқ сўзи», 2017 йил, 18 ноябрь.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². X–XV асрлар Шарқ мусиқашунослигининг ёзма ёдгорликларини мусиқашунослик, манбашунослик, матншунослик, тилшунослик ва бошқа жиҳатлардан ўрганишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг бир қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Миср Араб Республикасининг Қоҳира университети (جامعة القاهرة), Тишрин университети (جامعة تشرين), Айнуш-Шамс университети (جامعة عين الشمس), Эрон Ислом Республикасининг Техрон университети (دانشکده تهران), Cambridge University (Буюк Британия), Indiana University, Bloomington (АҚШ), Lund University (Швеция), Istanbul Universitesi (Туркия), Санкт-Петербургский государственный университет, Институт Мировой литературы РАН, Институт Азии и Африки (Россия), Донишгоҳи Тоҷикистон (Тоҷикистон), ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ўрта асрларда мусиқашуносликка оид терминларнинг шаклланиши, таркибий тузилиши, назарий асосларига доир тадқиқотлар натижасида, қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Шарқда мустақил мусиқашунослик фани вужудга келгани ва Марказий Осиёлик олимлар Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла мазкур фаннинг асосчилари экани исботланган (Lund University, Indiana University, دانشگاه تهران); Марказий осийлик олимлар мусиқашуносликка оид асарларининг илмий-танқидий нашрлари амалга оширилган (جامعة القاهرة, جامعة عين الشمس); мусиқашуносликка оид араб ва форс терминларнинг илмий асослари ишлаб чиқилган (Институт Мировой литературы РАН, Институт Азии и Африки, Донишгоҳи Тоҷикистон); араб мусиқашунослигига оид терминлар келтирилган асарлар илмий шарҳланган ва улардаги терминларнинг ясаиш шакллари исботланган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси).

Жаҳонда X–XV асрлар араб мусиқашунослиги терминларига бағишлаб яратилаётган илмий-тадқиқот ишлари бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда: араб мусиқа

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.cam.ac.uk/>, <https://www.Indiana.edu/>, <https://www.lunduniversity.lu.se/>, www.azhar.edu.eg/, <https://cu.edu.eg/ar/>, <https://www.uobaghdad.edu.iq/>, <https://ut.ac.ir/en/>, www.istanbul.edu.tr/, <https://spbu.ru/>, <https://imli.ru/>, <https://www.ivran.ru/>, <https://www.msu.ru/info/struct/dep/isaa.html>, <https://philol.tnu.tj/KafZabAdMToj.htm>, <https://navoiy-uni.uz/uz-k> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

терминологияси ва ундаги тилшуносликка оид қарашларни тадқиқ қилиш; муסיқа терминларидаги тил тарихига оид маълумотларни аниқлаш; муסיқашуносликка оид терминларнинг ясаиш усуллари, уларнинг тараққиёт босқичларига оид илмий назарияларни тадқиқ этиш; Ўрта осиелик олимларнинг муסיқа терминшунослигига қўшган ҳиссаларини комплекс ҳолда ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. X–XV асрларда араб ва форс тилида яратилган муסיқа илмига оид манбалар ҳақида бизда манбашунослик, матншунослик ва муסיқашунослик бўйича ишлар бор, аммо уларда қўлланган муסיқа терминларини ўрганиш бўйича илмий ишлар кам. Бирортаси ҳам муаллифлар ёзган араб ёки форс тилидан ўзбек ё рус тилларига тўлиғича таржима қилинган эмас. Ваҳоланки, шундай ишлар бўлса эди, кўҳна муסיқа рисоалари ҳақидаги замонавий илмий ишларнинг қиймати янада ошар эди. Бу вазифаларни амалга татбиқ этиш учун, илмий-услубий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган кенг қўламдаги режа бўлмоғи лозим.

70- йилларда мазкур вазифаларни амалга ошириш йўлида Ўзбекистонда муайян ишлар қилинди. Бунга И.Р.Ражабов ва Ф.М.Кароматовнинг илмий-ташкilotчилик ҳамда муסיқашуносликдаги салоҳиятлари йўл берган эди. Натижада, А.Назаров, О.Матёкубов, А.Жумаев ва бошқаларнинг пухта илмий тадқиқотлари нашр юзини кўрди³. 2000 йил Аслиддин Низомовнинг «Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии» номли катта илмий асари нашр этилди⁴. Унда ўрта асрлар Шарқ муסיқашунослигининг муҳим ёдгорликлари ҳақида баҳслар ва улардан таржима намуналари келтирилади. Муаллиф ҳам ғарб, ҳам шарқ тилларини яхши билгани сабабли манбаларни пухта ўрганди, керакли қисмларини асарнинг умумий мазмунидан ажратмаган ҳолда таржима қилган. Таъкидлаш лозимки, X–XIII асрларда араб терминологик лексикаси турли соҳаларда шаклланибгина қолмай, тараққий этди ҳам. Фалсафа, тиббиёт, математика, ҳуқуқ ва ўзга соҳаларга доир арабча терминлар тизимларининг шаклланиши ва тараққиётида исломнинг, аниқроғи, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифнинг хизмати каттадир. Чунки, VII асрда Қуръони каримда келтирилилган баъзи сўзлар, кейинча муסיқашунослик терминлари сифатида қўлланилди.

Муסיқашунослик илмига доир манбаларнинг терминологик хусусиятлари И.Р.Ражабов, А.Назаров, О.Матёкубов, О.А.Иброҳимов, А.Жумаев каби ўзбек олимлари, А.Низомов, А.Абдурашидов, А.Ражабов, Ф.Азизий каби тожик олимлари, А.К.Кубесов, Саида Даукеева, А.А.Мустафаева каби қозоқ олимлари, Г.Б.Шамилли, В.М.Белкин, Шарбатова каби россиялик олимлар, Ғ.Хашаба, З.Юсуф, М.Ҳафний каби араб ва Маҳди Баркашлий, Тақи Биниш каби форс олимлари ва француз олими Д'Эрланже, инглиз олими Ҳ.Ж.Фармер томонидан ёритиб берилган. И.Ю.Крачковсий,

³Назаров А. Форобий ва Ибн Сино муסיкий ритмика хусусида (классик ийқоъ назарияси). – Тошкент: Фафур Ғулом, 1995. – Б. 131; Матякубов О. Фараби об основах музыки Востока. – Ташкент: Фан, 1986. – С. 88.

⁴Низомов А. Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии. – Душанбе: Ирфон, 2000.

И.М.Филиштинский, Б.Я.Шидфар, А.Б.Халидов, Н.И. Иброҳимов, З.М.Исломов, М.З.Зиёвуддинова каби олимларнинг тадқиқотларида араб тилининг бадий хусусиятларига доир ўрта асрларда ишлаб чиқилган тамойиллар ва замонавий қарашлар уйғунлашган тарзда таҳлил қилинган.

Аммо, санаб ўтилган барча тадқиқотлар терминшуносликка оид қарашлар моҳияти ва мазмунини тўлақонли ёритиб бермаган. Мазкур илмий муаммо ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бир саналади. Ҳозирги дунё тилшунослигида ўрта асрлар араб мусиқа терминлари назарий асосларини ёритишга бағишланган махсус тадқиқотлар мавжуд эмас. Бинобарин, араб мусиқа терминологияси ва ундаги тилшуносликка оид қарашларни тадқиқ қилиш тил тарихига оид маълумотларни аниқлаш, жумладан, замонавий тилшуносликнинг лингвоэстетика, лингвопоэтика билан боғлиқ масалаларини ўрганишга хизмат этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари», «Араб тили тарихи, классик араб тилининг шаклланиши ва тараққиёти, классик араб тилида ёзма ёдгорликлар услубининг юзага келиши ва унинг юксалиши масалалари» мавзуидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади классик араб мусиқашунослик терминларининг шаклланиш босқичида яратилган манбаларни ва терминларни тадқиқ этиш ҳамда бу ишларни X–XV асрлар марказий осиёлик олимларнинг мусиқашуносликка доир асарлари воситасида амалга ошганини далиллаш, мусиқашуносликнинг классик даврида арабча терминларнинг ясалиш усуллари, танланиш ва баён этиш принципларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Марказий Осиё халқлари мусиқашунослигининг генезисини аниқлаш;

Марказий Осиё мусиқа илмининг классик назариётчилари – Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур ибн Зайла, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Сафиуддин Урмавий, Қутбиддин Шерозий, Абулқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий ҳамда Зайнулобидин Ҳусайнийнинг мусиқашуносликка оид мероси, олимларнинг мусиқа илми ҳақидаги назарий қарашларини кўрсатиш;

Шарқ мусиқашунослигининг классик даври арабча терминларининг ясалиш усуллари, танланиш ва баён этиш принципларини асослаш;

Марказий Осиё мусиқашунослигининг классик даври манбаларида зикр этилган ва бизнинг давримизгача яшаб келаётган кўҳна созлар ва санъатлар ҳақида назарий хулосалар чиқариш;

Марказий Осиё мусиқашунослигининг классик даври таниқли манбаларидан баъзи намуналарни ўзбек тилига таржима қилиш;

Марказий Осиё муסיқашунослигининг классик даври манбалари учун арабча-русча-ўзбекча луғат тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Х–ХV асрлар орасида Яқин ва Ўрта Шарқнинг турли минтақаларида яратилган Марказий Осиё олимларининг араб ва форс тилидаги муסיқашуносликка оид асарлари олинди.

Тадқиқотнинг предметини ўрта асрларда яшаб ижод этган Марказий Осиё олимларининг шарқ муסיқасига бағишланган илмий асарлари, уларда берилган муסיқашуносликка доир терминларнинг тадқиқи, шарқ тилларида муסיқа терминларининг шаклланиши ва тарихий тараққиёти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, ретроспектив, экстрополяция каби тадқиқот усуллари қўлланилган. Замонавий шарқшуносларнинг, хусусан, шарқшунос-муסיқашуносларнинг араб терминларини текшириш бўйича олиб борган асарларида ишлатилган методлар ва тадқиқот усуллари ушбу диссертацияга татбиқ этилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

классик араб тилидаги муסיқашунослик терминлари тизимининг шаклланиш ва тараққиётида ҳамда муסיқашуносликнинг фан сифатида пайдо бўлишида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур ибн Зайла, Абу Абдуллоҳ Хоразмий каби Х–ХV асрлар Марказий Осиё олимлари қаламига мансуб муסיқашуносликка оид асарларнинг фундаментал ўрни далилланган;

классик араб тилидаги муסיқашунослик терминлари тизимининг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари ҳамда ҳар қайси босқичдаги муסיқашунослик асарларида акс этган муסיқа терминларининг семантикаси ва функцияси аниқланган;

классик араб тилидаги муסיқашунослик терминларининг ясалиш усуллари ҳамда уларнинг ёзма адабий тил талаблари асосида танланиш принциплари асосланган;

классик араб тилидаги муסיқа терминларининг генезиси ва тарихий тақомили, уларнинг терминологик тизимга таъсири, ушбу терминларнинг маҳаллий тилларга ўрнашиб қолиш жараёнлари исботланган;

Марказий Осиё муסיқашунослиги классик даврининг юқори ва қуйи босқичларининг хусусиятлари асосланган ҳамда мазкур даврларда яратилган асарлардаги терминлар тизими кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Араб муסיқа терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиётида Х–ХV асрлар Марказий Осиё олимларининг муסיқашуносликка оид асарлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги исботлаб берилган ҳамда Марказий Осиё муסיқашунослигининг классик даври таниқли манбаларидан баъзи намуналари ўзбек тилига таржима қилинган ҳамда Марказий Осиё муסיқашунослигининг классик даври манбалари учун арабча-русча-ўзбекча луғат тузилган.

Тадқиқот материалларидан «Ўзбек муסיқашунослик тарихи», «Классик араб тилининг функционал услублари», «Араб тили тарихи», «Таржима

назарияси», «Манбашунослик», «Асосий чет тили (араб тили)даги адабиётни ўқиш ва талқин қилиш масалалари» каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилигини Лондондаги Британия музейида, Қоҳирадаги Дору-л-кутуб кутубхонаси, Туркиянинг Тўпқопи музейи кутубхонасида, Эрон кутубхоналарида, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида, Тошкент санъатшунослик илмий текшириш институтида сақланаётган қўлёзма манбалар ҳамда диссертацияда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, танланган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги, қўлланилган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлил, ҳулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. X–XV асрлар Марказий Осиё олимларининг мусиқашуносликка оид мураккаб асарлари, ишонарли асл нусхаларга асосланган ҳолда тилшуносликда илмий муомалага киритилиши, уларда қўлланган мусиқашунослик терминлари илк бор, лингвистик жиҳатдан махсус тадқиқ этилиши Шарқ халқлари мусиқа маданияти бўйича ўзга шарқ (форс, урду, пушту, туркий) тиллардаги тадқиқотларнинг далилий асосини оширади, ўрта асрларда шаклланган мусиқашуносликка оид асарларни идрок этишни осонлаштиради.

X–XV асрлар Марказий Осиёда кенг истеъмолда бўлган мусиқашунослик терминлари тизими мавжудлиги исботланди. Мусиқашунослик терминларининг ясалиш, шаклланиш, танланиш усуллари, такомиллашув ва баён этиш йўллари аниқланди. Бу минтақада мусиқага оид терминларнинг кейинги ривожини ва ҳозирги тараққиёт жараёнини тушунишда қўл келади.

Тадқиқотнинг ҳулоса ва натижаларидан шарқ, араб терминшунослик тарихини ёритиш, баъзи тилшунослик масалаларини аниқлашда, олий ва ўрта ўқув юртларининг «Тилшунослик», «Араб тилшунослиги тарихи», «Араб тили», «Форс тили», «Манбашунослик», «Мусиқа манбашунослиги», «Ўзбек мусиқа маданияти тарихи», «Мақом таҳлили», «Мақом асослари», «Асосий чет тили (араб тили)даги адабиётни ўқиш ва талқин қилиш масалалари» каби фанлар таълимида, лексикология ва семантика бўйича талабаларга махсус курслардан маърузалар тайёрлашда муҳим манба бўлади. Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳам шарқ мусиқашунослиги бўйича талабаларга «Мусиқа манбашунослиги», «Ўзбек мусиқа маданияти тарихи», «Мақом таҳлили», «Мақом асослари» каби фанлар таълимотида муҳим манба бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. X–XV асрлар Ўрта Осиё олимларининг Марказий Осиё халқлари мусиқа терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиётига оид тадқиқот натижалари асосида:

Ибн Зайла, Билол ибн Рубоҳ Ҳабаший илмий мероси бўйича олинган натижалар «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 2 ва 5-жилдларини нашр этишда фойдаланилган («Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат нашриётининг 2004 йил 2 декабрдаги 01/3-29-сон маълумотномаси). Натижада «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»нинг 2 ва 5-жилдларидаги Билол ибн Рубоҳ Ҳабаший, Ибн Зайла сўз-мақолаларининг чоп этилишига асос бўлган;

классик араб тилидаги мусиқашунослик терминлари тизимининг шаклланиш ва тараққиёт босқичларига оид хулосалардан Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 20 июлдаги 01-05-769-сон маълумотномаси). Натижада консерваторияда ўтиладиган мусиқа ва мақом тарихи ва назариясига оид фанларнинг дастурини тузишда асос бўлиб хизмат қилган;

араб тилидаги мустақил мусиқашунослик фанининг пайдо бўлиши бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Миллий мақом санъати марказида фойдаланилган (Ўзбек Миллий мақом санъати маркази давлат муассасасининг 2018 йил 31 июлдаги 147-сон маълумотномаси). Натижада X–XV асрларда яшаб ижод этган Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур ибн Зайла, Абу Абдуллоҳ Хоразмий каби алломаларнинг мустақил мусиқашунослик фанининг пайдо бўлишида қўшган ҳиссасини кўрсатишга асос бўлган;

Шарқ халқлари мусиқаси, танбур, ғижжак, уд, қонун, най, мақом тарихидан мавзулари бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Мусиқа» дирекцияси томонидан туркум кўрсатувларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Мусиқа» дирекциясининг 2005 йил 10 февралдаги МД 05/87-сон маълумотномаси). Натижада Шарқ халқлари мусиқаси, танбур, ғижжак, уд, қонун, най, мақом тарихидан мавзулари бўйича алоҳида кўрсатувлар тайёрланишига ва уларни мазмунан томошабоп бўлишига асос бўлган;

«Шашмақом» ва унинг тармоқлари ҳамда шарқ мусиқий соғзлари билан боғлиқ хулосалардан Юнус Ражабий уй-музейида ташкил этилган экспозицияни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Юнус Ражабий уй-музейи маълумотномаси). Натижада Юнус Ражабий уй-музей залидаги экспозициянинг мазмунан бойишига, уд, қонун, най ва танбур соғзларини такомил йўлини кўрсатишда манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро: «Ўзбекистон мусиқа санъатининг мусулмон тамаддунидаги ўрни» (Тошкент-Самарқанд, 2007), VII Халқаро Ибн Сино ўқишлари (Бухоро, 2013), «XXI аср мусиқа таълими: муаммо ва ечимлар» (Тошкент, 2014), Шарқ тароналари X Халқаро мусиқа фестивали (Самарқанд, 2015) ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган. Шундан, 2 та монография, 2 та ўқув қўлланма, 1 услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 16 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми иловалар билан бирга 275 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Марказий Осиё халқлари мусикашунослиги манбалари тадқиқот объекти сифатида»** деб аталиб, унда ўрта асрлар мусика манбалари ва терминшунослигининг ўрганилиши, Шарқ мусикашунослиги терминологияси тизимининг генезиси тўғрисида фикр юритилади.

VIII–IX асрларда – Мансур (754–776), Ҳорун ар-Рашид (786–809) ва Маъмун (813–833) халифалик қилган даврларда илм-фанга эътибор кучайди, بيت الحكمة (Ҳикмат уйи) да ҳар хил тиллардаги китоблар, хусусан, юнон муаллифлари Пифагор (Пифагурис), Птоломей (Батломус), Евклид (Иклидус), Гален (Жолинус), Гиппократ (Букрот), Сократ (Сукрот), Платон (Афлотун), Аристотель (Арасту ёки Аристутолис), Аристоксен (Аристоксинус), Никомаха (Никумохис), Фемистий (Сомстиюус)ларнинг фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб асарлари таржима қилинди. IX асрда араб тилига таржима қилинган асарлар ичида мусикага оидлари кўп эди. Пифагорнинг (милоддан олдинги VI аср иккинчи ярми – V аср боши) «Мусикада таълиф» рисоласи, Аристотелнинг (милоддан олдинги 384–322) «Донишмандларнинг мусика ҳақида айтганлари китоби», Аристотелнинг шогирди Аристоксеннинг (милоддан олдинги 336–?) «Таълиф унсурлари» (Элементы гармоникки) ва «Ийқо унсурлари» (Элементы ритмикки), Аристотелнинг яқинларидан бўлган Никомаханинг «Таълиф» (Гармоника), «Катта мусика китоби» ва «Мусика ҳақида қисқартма»си, ўрта асрларда Шарқда жуда машҳур «ал-Мажистий» (Математик система)нинг муаллифи Птоломейнинг «Таълиф» (Гармоника), «Мусика ҳақида»ги китоби,

Галеннинг «Овоз ҳақидаги китоби», «Овоз созлари шарҳи китоби», Евклиднинг «Муסיқа аталувчи нағмалар китоби» ва бошқалар шулар жумласидан. Юнон мутафаккирлари ижодига мансуб таржима қилинган асарларнинг фалсафа, мантиқ, табобат, шеърият, фалакиёт ва бошқа соҳаларга бағишланганлари ҳам, у ёки бу даражада муסיқа билан боғлиқ эди. Бундайлар жумласига Платоннинг «Қонунлар», «Тимей» (كتاب طيماءوس), «Ион» ёзмалари, Аристотелнинг «Сиёсат», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Ахлоқ», «Осмон ҳақида», «Нафс ҳақида» асарлари, Галеннинг «Томир уриши ва касалликлар давоси» китоби, Евклиднинг Насриддин Тусий шарҳлаган «Асиллар» тўплами, «Қонун китоби» киради.

Марказий Осиёдан чиққан X–XIII аср мутафаккирларининг баъзилари (Форобий ва Ибн Сино) юнон тилини билган, баъзилари (Абу Абдулло Хоразмий ва Ибн Зайла) билмаган бўлишлари мумкин, аммо ҳаммаси ҳам ўзларининг муסיқа назарияларини ишлаб чиқишда мавжуд таржималарга ижодий ёндашиб, улардан фойдаланган. Форобий «Катта муסיқа китоби» да юнон мутафаккирларидан Гален, Пифагор, Аристотел, Птолемей, Фимистий ва Аристоксен номлари ва асарларини тилга олса, Ибн Сино «Муסיқа илми тўплами»да Евклидни ва унинг «Қонун китоби»ни ҳамда Птоломейни эслайди. Ибн Зайла «Муסיқага оид тўлиқ китоб»ида, Хоразмий «Илмлар калитлари»нинг муסיқага бағишланган бобида юнон олимларидан ҳеч кимни зикр этмаса-да, المتقدمون (қадимгилар) ёки المؤلفون (муסיқашунос-ийқошунослар) деб ёзганда уларни назарда тутди.

Қадим Юнонистоннинг баъзи муסיкий-назарий таълимотлари X–XI асрлар Марказий Осиё мутафаккирларининг мустақил муסיкий назарияларини ишлаб чиқиши учун туртки бўлди. Уларнинг муסיқа назариясига оид қарашлари юнон олимлари қарашлари билан бойитилган, аммо асосан Марказий Осиё, Эрон ва Хуросон муסיқа амалиётига асосланган.

Қадим юнон мутафаккири Платон (Афлотун)нинг «муסיқа давлат ҳақидаги таълимотнинг таркибий қисми» ва Аристотел (Арасту)нинг «муסיқа шеърият назариясининг бир бўлаги» деган қарашларидан фарқли ўларок, ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирларининг муסיқа илмига оид илмий асарлари, юқорида таъкидланганидек, Шарқда мустақил муסיқашунослик фани вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Абулфараж Исфаҳонийнинг كتاب الأغاني «Қўшиқлар китоби» ноёб асар бўлиб, хуросонлик машҳур муסיқачи ва бастакор Исҳоқ Мавсилий ижро этган юзта қўшиққа шарҳ битиш ниятида ёзила бошланган. Бу асар охир-оқибат беш асрга яқин тарихни қамраб олган араб тилидаги қўшиқлар қомусига айланди. Абулфараж Исфаҳоний كتاب الأغاني «Қўшиқлар китоби»ни эллик йил давомида ёзди. Унда V асрдан X аср бошларигача яратилган ва ижро этилган араб тилидаги қўшиқларнинг матнлари келтирилади, уларни яратган шоир, бастакор ҳамда илк бор ижро этган қўшиқчилар ҳақида маълумотлар берилади. Унинг қамрови кенг, ҳажми салобатли ва аҳамияти

катта бўлгани учун *كتاب الأغاني الكبير* «Катта кўшиқлар китоби» деб ҳам атаганлар. Бу асарнинг яратилишида Марказий Осиё ва Эрон халқларида илгари пайдо бўлган кўшиқ тўпламларидан ва мусиқага оид бошқа ёзма манбалардан ижодий фойдаланилган. «Кўшиқлар китоби»да насаби туркий халқлардан бўлган Абдулла ибн Сурайё ибн Сурайж ва Ғарид, форс Муслим ибн Мухриз ва Абу Ибод ибн Вахҳоб Маъбад каби кўплаб машҳур мусикачиларнинг номлари келтирилади. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги, маданияти, санъати, адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутган Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари даврида (VI–VIII асрлар), Сосонийлар даврида (V–VII) Марказий Осиё ва Эрондан Арабистонга кириб кела бошлаган торли, камончали ва пуфлама мусиқа созлари, хусусан, уд, рубоб, най хусусида гаплар бор, созлаш ва қадимий ажам ижро йўллари борасида изоҳлар келтирилган. Китобда исломдан олдинги араб мусикасига қадимги Марказий Осиё ва Эрон халқлари мусикасининг таъсири ҳақида далилланган маълумотлар мавжуд. Шу муносабат билан араб ҳофизи ва шоири Абдуррахмон Атраднинг Валид ибн Язидга айтган қуйидаги мулоҳазалари эътиборлидир: «Бутун мусиқа бизга ажамдан келган, биз араблар эса унга араб шеърларини қўйганмиз холос»⁵. «Кўшиқлар китоби»нинг аҳамияти яна шунда-ки, унинг учун манба бўлиб хизмат қилган кўшиқлар тўпламлари, мусиқа тарихи ва назариясига оид асарлар бизгача етиб келмаган ва у V–X асрлар араб тилидаги кўшиқлар матни ва оҳангини изоҳловчи ягона комусий тўпландир.

Абулфараж Исфаҳонийнинг *كتاب الأغاني* «Кўшиқлар китоби» араб мусикаси, кўшиқлари ва шеъриятига бағишланган бўлса-да, у Марказий Осиё ва Эрон халқларининг қадим мусикасидан дарак берувчи, Шарқ мусиқа терминларининг шаклланишига хизмат қилган қимматли манбадир.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Марказий Осиё мусикашунослигининг классик даври асарларида мусиқа терминларининг шаклланиши**» деб аталган. Унда Марказий Осиё мусикашунослиги классик даврида яратилган манбалар ва уларда ишлатилган мусиқа терминлари тўғрисида фикр юритилади.

Буюк мутафаккир **Абу Наср Форобий** – Шарқ мусиқа илмининг асосчиси бўлиб, унинг мусиқа илмига оид китоблари ичида энг аҳамиятлиси, ўз даврининг буюк мусиқий асари *كتاب الموسيقى الكبير* «Катта мусиқа китоби»дир.

Форобий бу асарида юнон олимларидан кўпларинининг номлари ва асарларини тилга олиш билан бирга⁶, қадим Шарқ мусиқа илмининг йирик намояндаларини ҳам эслаб ўтади⁷.

⁵Раджабов А. К истории развития музыкальной жизни Мавераннахра и Хорасана VII –VIII вв // Хорезм и Мухаммад ал-Хорезми в мировой истории и культуре.: Сборник. Ответственный редактор Н.Н. Негматов. – Душанбе: Дониш, 1983. – С. 96.

⁶ Ўша асар. – Б. 63-64, 82, 89, 90, 93, 95, 96, 101, 104, 105, 167, 182, 204.

⁷ Ўша асар. – Б. 35, 57, 59, 59, 73, 116, 117.

Форобийнинг музика илмига оид асарларида, хусусан, «Катта музика китоби»да ўрта асрлар Шарқ музика терминлари тизими шаклланишига асос қўйилди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Форобий музика амалиётига оид терминлар таркибига асли форсий ёки туркий бўлганларини олиб кирди. Масалан, الخراسانية – Осиёнинг қадимий минтақаларидан бўлган خراسان га нисбат. Музикашуносликка оид термин сифатида الخراسانية – чолғу музикаси бир шаклининг умумий номи; [دساتين] форсча сўз, «куй», «оҳанг» маъносини англатади. [دستانات] форсча сўз, «эртас», «ҳикоя» маъноларини англатади. Музика термини сифатида [دستانات] айтим музикаси бир шаклининг умумий номи ёки *парда* маъносини беради; دستبند форсча сўз, «билагузук», «қўлкишан» маъноларини англатади. Музика термини сифатида دستبند «дастбанд» кўпчилик бир-бирларини қўлларини ушлаб тушиладиган маросимий рақс турининг номи; روشن форсча رواشين (ёруғ, равшан) сўзини араб тилидаги синиқ кўплик сон вазнидаги кўриниши. Музика термини сифатида رواشين – чолғу музикаси бир шаклининг умумий номи; زیر форсча сўз, «ости», «пастки қисми» маъноларини англатади. Музика термини сифатида زیر – уднинг энг пастки, баланд товуш берувчи тори – тўртинчи торнинг номи; شاهرود – икки форсий сўздан ташкил топган торли музика созининг номи. شاهرود (Шохруд) – «рудларнинг шоҳи»; طنبور – туркий «дўнбира» («дўмбира») сўзининг кўринишларидан⁸ ва у торли тирнама музика созининг номи – «танбур» ёки «танбура». كُرَاجَةٌ – форсий كُرَج (курк товук), كراك (бедана), كُرَاسَب (той) каби сўзларнинг биридан ясалган бу термин ҳайвон ва паррандаларга тақлид қилиб ўйналадиган рақснинг номи – «куррожа». Бундай рақс тури бизнинг кунларда ҳам мавжуд. [نايات] – форсча «қамиш», «қамишпоя» ва музика термини сифатида пуфлама музика созининг номи – «най».

Форобийнинг كتاب الموسيقى الكبير «Катта музика китоби» Яқин ва Ўрта Шарқда мустақил музикашунослик фани вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳамда шу минтақа халқлари музикасига оид терминлар тизимининг шаклланиши ва ривожига асос солган асарлардан бўлди. Уни жиддий ўрганиш ҳозирги замон миллий ўзбек музикасининг устувор асоси – мақомлар ва Шарқ музикасига доир муаммоларини тўғри ҳал қилиш учун ҳам қимматли манбадир.

Абу Али ибн Синонинг барча илмий асарларида музика ҳақида сўз бор. Унинг музикага оид асарлари ичида асосий ва мукаммали جوامع علم الموسيقى «Музика илмий тўплами»дир. У «Шифо» таркибига, математика фанлари қисмига кирган.

«Шифо» даги музикага бағишланган бобни Ибн Сино جوامع علم الموسيقى – «Музика илми тўплами» деб атади. «Музика илми тўплами» даги олти мақола 19 фаслни ташкил этади. Унда Ибн Сино овоз, музика овоз – нағманинг ҳосил бўлишидан то музика асарнинг яратилишигача, сибизгадан тортиб уд музика созигача, музика сўзи таърифидан то

⁸ Фитрат А. Ўзбек классик музикаси ва унинг тарихи. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1993. – Б. 36.

мусиқанинг нафсга таъсиригача бўлган масалалар ҳақида баҳс қилди. «Мусиқа илми тўплами»да кўрилган масалалар Ибн Синонинг мусиқага оид ўзга асарларида ўрганилган, бироқ уларни тўлиқ таржима қилиб, тадқиқ этмагунча улар «Мусиқа илми тўплamlари»нинг қисқартириб, у ёки бу шаклда қайтарилишими ёки ўзига хосликка эга асарларми деган мавзуда гап юритиб бўлмайди.

Абу Мансур ибн Зайланинг илмий асарлари орасида *كتاب الكافي في الموسيقى* «Мусиқага оид тўлиқ китоб» катта ўрин тутати. Китобнинг биринчи қисмидаёқ Ибн Зайла мусиқани таърифлайди, мусиқа илмининг ўрганиш мавзулари (объектлари)нинг асосийларини аниқлаб беради: «...мусиқа илми икки баҳсни ўз ичига олади, улардан бири, нағмалар (тонлар)нинг ёқимли ёки ёқимсизлиги нуқтаи назаридан, уларнинг ҳолати ҳақидаги баҳс бўлиб, ‘Илму-т-та’лиф (علم التأليف) – «Таълиф (композиция) илми» деб аталади, иккинчиси, нағмалар орасидан ўтадиган замон миқдори ҳақидаги баҳс бўлиб, ‘Илму-л-’ийқа (علم الإيقاع) – «Ийқо (ритм) илми дейилади»⁹. Ибн Зайланинг бу таърифи Форобий ва Ибн Сино таърифларидан лўнда, содда ва тушунарлироқ ва ҳозирги замон мусиқашунослиги таърифига асос бўла олади.

Товушнинг ҳосил бўлиши ва унинг физик хусусиятлари ўрганилади, овознинг ёқимли ёки ёқимсиз бўлишига сабаб бўлувчи асосий омиллар кўрсатилади: «Товушлар қаттиқ, секин, баланд ва паст сифатлари билан фарқланади ва шуларга қараб нағманинг ёқимлилиги ёки ёқимсизлиги ҳақида ҳукм чиқарилади... Торнинг ярим узунлигидаги нағма бутун узунлигидаги нағмасининг икки баробаридир»¹⁰. Шу ерда яна, мусиқашуносликка оид бўлган баъзи тушунчаларга қисқа-қисқа шарҳ берилади: «Ҳис этарли маълум вақт чўзилган товуш нағма (نغمة) – тон дейилади. Баланд (хидда) ва паст (сақл) даражадаги икки ҳар хил нағмаларнинг ҳар бир мажмуасининг номи – буъд (بعد) (интервал). Бир хил бўлмаган буъдлар қўшилувининг ҳар бири жинс (جنس) (тетрахорд) ва турли жинслар қўшилувини эса *жам* (جمع) (икки октава чегарасидаги лад тизими) деб аталади. *Жинс* деб аталувчи бир неча нағма ёки бир неча нағманинг ўзи ёки *жам* деб номланган бир қанча жинс ёқимли, мақбул тартибда, соз интиқалда, муносиб ийқода қўлланилса, буни талхин (تلحين) – куйга солиш дейилади ва ундан лах.н (لحن) – куй келиб чиқади. Бу иш ҳалқумда ҳамда ҳалқум чиқарадиган нағмаларга тақлид қилиб чалинадиган торли созлар, пуфлама созлар кабиларда ва бошқаларда содир бўлиши мумкин»¹¹.

Асарнинг бу қисми давомида товушнинг нафсга таъсири ҳақида баҳс кетади. Товушнинг нафсга таъсири масалалари кўлёзманинг бошқа қисмларида ҳам ёритилади, аммо бу қисмда товушнинг нафсга таъсирини ўрганишдан мақсад нағмалар орасидаги ёқимли ва ёқимсиз нисбатларни, таъсирли ва таъсирсиз мусиқани аниқлашдир.

⁹ أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. أَلْكَتاب المخطوط. المتحف البريطاني بلندن مجلد برقم OR2361. الورقة 220a.

¹⁰ Ўша асар. – Б. 220a.

¹¹ أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. أَلْكَتاب المخطوط. المتحف البريطاني بلندن مجلد برقم OR2361. الورقة 220a.

«Таълиф илми» деб аталган иккинчи қисмининг бошида ҳисоб йўли билан нағмалар орасидаги ёқимли (консонанс) нисбатлар аниқлаб олинади. Ёқимли нисбатлар иккига бўлинади: биринчи даража мослашувдаги ёқимли нисбатлар ва иккинчи даража мослашувдаги оҳангдош нисбат.

Буъд турлари – катта, ўрта ва кичик [لحنیات] буъдларга таъриф берилади ва улар таркибидаги нағмалар ўрни уд пардаларида кўрсатилади.

Ибн Зайла жинсларни (тетрахорд) турларга бўлди: «Улар (қадимги олимлар) жинсларни қуйидагича тақсимлаб, уч синфга ажратдилар ва ҳар бир синфга ном бердилар:

Жинс қавий [جنس قوي] – кучли жинс (диатоник жинс).

Жинс рахв [جنس رخو] – заиф жинс (хроматик жинс).

Жинс му‘тадил [جنس معتدل] – мўътадил жинс (энгармоник жинс).

Рахв – заиф жинсни «мулавван» ملون – рангдор, мўътадил жинсни эса «расим» راسم – чизмакаш жинс деб аталиши ҳам мумкин»¹².

«Ийқо илми» деб номланган учинчи қисм ийқолар мавзуига бағишланган¹³. Ибн Зайла таъкидлаб ёзади: «Ораларидан муайян вақт ўтмай бирга чалинган нағмалардан қуй тузиш мумкин эмас. Қуй, ораларидан вақт ўтиб, бирин-кетин келадиган нағмалардан тузилади»¹⁴. Қуй «нағмалари орасидан ўтадиган замон миқдори ҳақидаги баҳс эса علم الإيقاع (Ийқо илми) дейилади»¹⁵.

«Муסיқа яратиш» аталмиш тўртинчи қисм муҳим амалий масалаларни қамраб олган. Ибн Зайланинг ёзишича, муסיқа санъати икки бўлимдан иборат, яъни «Эшитувчилар ҳиссига таъсир этмай, нағмалар ҳолатлари, ийқолар ва муסיқа басталашнинг назарий жиҳатдан ўрганишимиз «Назарий муסיқа санъати» дейиладиган бўлим ва «Эшитувчилар ҳиссига таъсир этувчи – мусиқани чалиш санъати ва ҳиссиётга таъсир эта олмай, фақат мусиқани басталаш, тузиш санъати. Уларнинг ҳар иккиси صناعة الموسيقى العملية «Амалий муסיқа санъати»¹⁶ деб аталувчи бўлимда. Бу қисмининг бошидаёқ Ибн Зайла: «Муסיқа илмининг ниҳойи мақсади бўлган муסיқа яратиш илми нағмаларни тушуниш ва ийқоларни билиш пойдевори устига қурилади. Мен бу борада етарлича сўз юритдим, энди муסיқа тузиш ва бунга алоқадор турли ҳолатлар ҳамда муסיқа қандай ҳис этилишлиги ҳақида сўз қолди»¹⁷ деб ёзган ва «қуй» термини қандай ҳодиса ёки воқеликка нисбатан ишлатилиши ҳақида фикр юритган эди. Турли халқларнинг фақат ўзларига хос, ўз мусиқасини шакллантириш ва бу жараён давомида муסיқа созларининг ишлаб чиқилиши, такомиллаштириш, яъни амалий мусиқани қарор топиши тажрибасида

¹² أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. أَلْكَتاب المخطوط. المتحف البريطاني بلندن مجلد برقم OR2361. الورقة 2226.

¹³ Ўзбек муסיқашунослигида Шарқ классик ийқо назариясига доир махсус тадқиқот бажарилган. Қаранг: Назаров А. Форобий ва Ибн Сино муסיкий ритмика хусусида (классик ийқо назарияси). – Т.: Гафур Ғулом, 1995. – Б. 131.

¹⁴ أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. أَلْكَتاب المخطوط. المتحف البريطاني بلندن مجلد برقم OR2361. الورقة 227a.

¹⁵ Ўша асар. – Б. 220a.

¹⁶ أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. أَلْكَتاب المخطوط. المتحف البريطاني بلندن مجلد برقم OR2361. الورقة 232a.

¹⁷ Ўша жойда.

мусиқа яратиш усуллари, айтим ва чолғу музиқасини яратилиш, нағма ва ийқо безаклари ва улардан фойдаланиш йўллари ва жойлари, бастакор маҳорати, айтим музиқа шакллари 'Ад-дастанат [الدستانات], 'Ат-тараик [الطرائق] ва уларнинг турлари Арахсин [أراخسين], Мурдат Хуф [مردات هوف], Наме Афранк [نام أفرنك], Хурусал [خروسال], Афрмуруд [أفرمورد], чолғу музиқа шакллари 'Ар-равишин [الراوشين], Форсия [الفارسية], Қадима [القديمة] ва уларнинг турлари Юрманк [يورمنك], Раваих Коамикор [رويح كامكار], Варданс [وردنس], Фейрузкарно Қавса [فيروزكرنا قوسه] ва бошқалар баёни билан бу қисмда махлуқотнинг овоз чиқариш сабаблари ва товуш турлари ўрганилади ҳамда яна музиқа таъсири ҳақида гап боради. Чунончи, Ибн Зайла ёзади: «Форслар ва бошқа (халқ)лар басталаган нарсаларга ва уларда бор машҳур дoston ва куйларга қараганда нағмалар таркибидаги баъзи кўчишлар-ҳаракатлар саховатни, бошқалари шижоатни, яна баъзиси ҳамият ва садокатни ифода қилса, баъзилари нафсда мардликка мойиллик уйғотса, бошқалари эса айтилган ҳислатлар аксига жалб қилиб қўяди уни (нафсни)»¹⁸ ва музиқанинг нафсга таъсири бўйича қуйидаги турларга бўлади:

«Алхан малазза [الхан ملذة] – Лаззатбахш музиқа;

Алхан мухаййила [الхан مخيلة] – Хаёлий музиқа;

Алхан инфи'алия [الхан إنفعالية] – Ҳаяжонлантирувчи музиқа.

Асли нотабий бўлганлари махсус таёрланган асбоблардан чиқадиган, инсон чидай олмайдиган ҳаил **هائل** – кўрқинчли ва ходд **حاد** – баланд товушлар. Булар ҳам инсоният турмушида, қаерлардадир ишлатилади.

Музиқа билан бевосита алоқадор санъат турлари **رقص** рақс санъати, **زفن** зафн – елка, қош, бош ва тананинг шу каби аъзоларини ўйнатиш санъати, **كرّاجة** каррожа – ҳайвон ва қушларга тақлид қилиб ўйнаш санъати, **صناعة** қарсак чалиш санъати ҳам санаб ўтилади китобнинг бу қисмида.

الآلات الموسيقية – музиқа созлари деб атаганимиз бешинчи қисм муқаддимасида ўзининг ёқимли товушлари билан ажралиб турувчи пардали торли тирнама созлар **عود** [عود] ва танбур [طنبور], пардаларсиз торли тирнама ми'зафа [معزفة] – арфасимон соз, пуфлама созлар мазомир [مزامير] ва камончали асбоб рабоб [رباب] санаб ўтилади ва музиқа созларининг инсон овозига тақлид қила билишлари масаласи ўрганилади. Ибн Зайла ёзади: «Ҳалқум (инсон овози)га, бошқаларга нисбатан кўпроқ тақлид қила оладиган, эргаша оладиган музиқа созлари рабоб – камончали соз, мизмар – пуфлама созлар, удлар, ми'зафа – арфасимон соз ва унинг ҳамжинслари, сўнгра биз эслаган бошқа созлар..., аммо тақлиднинг тўлиқлигида рабаб-камончали соз ва сурнайларга етадигани йўқ»¹⁹.

Ибн Зайла асарининг охириги фасли созларга, хусусан, найга бағишланади. У ёзади: «Пуфлама музиқа созларининг машҳурларидан бири най бўлиб, унда нағмалар чиқиш жойи қуйидагича: Тепа томондан бошлаб бир қатор жойлашган еттита тешикча бор найда»²⁰, – деган сўзлар билан

¹⁸ أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. أَلْكَتاب المخطوط. المتحف البريطاني بلندن مجلد برقم OR2361. الورقة 233a.

¹⁹ أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. أَلْكَتاب المخطوط. المتحف البريطاني بلندن مجلد برقم OR2361. الورقة 235a.

²⁰ أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. أَلْكَتاب المخطوط. المتحف البريطاني بلندن مجلد برقم OR2361. الورقة 236a.

найга таъриф бера бошланади ва най парда нағмалари аниқланиб, бу нағмаларни чиқаришда найчи маҳорати ҳақида гап юритилади.

Ибн Зайла юнон ва қадимий римликлар муסיқий-назарий меросига ижодий ёндашди, Форобий ва Ибн Синонинг Шарқ муסיқа илмидаги ютуқларини янги давр талаблари асосида ривожлантирди ҳамда Мовароуннахр, Хуросон ва Эрон халқларининг маҳаллий муסיқа амалиётига суянган ҳолда соф илмий йўналишда Шарқ муסיқа назариясини янги ривож поғонасига кўтарди.

Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг маълум ва бизгача етиб келган ягона асари - «Мафотиху-л-‘улум» [مفاتيح العلوم] «Илмлар калитлари»дир. Араб тилида битилган илк қомусий асарларнинг биринчиларидан бўлган مفاتيح العلوم «Илмлар калитлари»да фаннинг ўз даврида маълум бўлган барча соҳалари қамраб олинган ва уларнинг асослари баён этилган. У жуда эътиборли ва ишонарли бир манба бўлган-ки, Ибн Сино ҳам ўзининг أقسام العلوم العقلية «Ақлий илмлар қисмлари» рисоласида ундан иқтибослар келтиради. مفاتيح العلوم «Илмлар калитлари» икки қисмга – мақолага бўлинган, бу икки қисм (мақола) таркибида 90 фаслни бирлаштирувчи 15 боб бор. Муסיқага бағишланган боб уч фаслдан иборат.

Жамларга бағишланган иккинчи фаслда овоз, нағма, бўъд, жинс ва жамлар ҳақида умумий гап бор.

Ийқолар ҳақидаги учинчи фаслда қуйидаги етти ийқо санаб ўтилади:

1. أهزج – Ҳазаж. 2. خفيف الرمل – Рамалнинг енгили. 3. ثقيل الرمل – Рамал – Рамалнинг оғири. 4. الثقيل الثاني – Иккинчи оғир. 5. خفيف الثقيل الثاني – Иккинчи оғирнинг енгили – Махурий. 6. ألتقيل الأول – Биринчи оғир. 7. الأول خفيف ألتقيل – Биринчи оғирнинг енгили.

Соҳибқирон Амир Темур раҳнамолигида, жумладан, Хожа Абдулқодир Мароғий муסיқашунос олим сифатида камол топган, ўн икки мақом тизимининг илк бор илмий жиҳатдан ишлаб чиққанлардан бўлди. Манбаларнинг хабар беришича, Улуғбек Мирзо ҳимоясида қанчадан қанча адабиёт ва санъат намояндалари камол топди, ўзи ҳам шеър ёзар эди²¹ ва муסיқа олимларидан саналган²². Баъзи манбаларда Улуғбекнинг «Шодиёна», «Ахлоқий», «Усули равон» ва бошқа муסיқий асарлари ва муסיқий рисолаи ҳақида гап боради²³. Мирзо Бобур муסיқачиларга ҳомий бўлишдан ташқари, «чоргоҳ савтларининг бирини ижод этди ва музикага доир «Муסיқий илми» деган бир рисола яратди»²⁴. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам 12 муסיқий усул ва бир муסיқий рисола муаллифи бўлган дейилади²⁵. Темур ва темурийлар даврида муסיқашуносликка оид ўнлаб рисолалар яратилди.

²¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 13 том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 166.

²² Дарвиш Али Чанги. Трактат о музыке. Қўлёзма. Д.Рашидова таржимаси. Санъатшунослик илмий – тадқиқот институти кутубхонаси. Инв. И – 879. – Тошкент, 1089. – Б. 152.

²³ محيط التواريخ Қўлёзма. Шарқшунослик институти кутубхонаси. – № 835. II жилд 687. – Б. 102-108.

²⁴ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 647.

²⁵ Ғафурбеков Т. Муסיқа. Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1996. – Б. 43.

Алишер Навоий мусика амалиётида ҳам, назариясида ҳам ижод этгани баъзи манбаларда ёзилади. Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да шундай ёзади: «(Алишербек) яна мусиқийда яхши нималар боғлабдур. Яхши нақшлари ва пешравлари бордир». Навоий тутган олий мақом, мусикадаги чуқур билим у зотга буюк мусиқий устодлар ва истеъдодли мусиқий талабаларни талпинишига, шогирд тушишига сабаб бўлди. Кўпгина мусика рисолаларининг муаллифлари ўз асарларини, Хондамирнинг «Мукоримул ахлоқ» асарида айтилганидек, «Навоийнинг кутубхонасида ва Навоий томонидан ҳар жиҳатдан таъминланган ҳолда ёзганлар». Алишер Навоий раҳбарлигида, раҳнамолигида, ҳомийлигида ёки даъвати билан яратилган, бизга маълум мусика илмига оид рисолалар қуйидагилардир: 1. Абдурахмон Жомий «Рисолаи мусиқий»; 2. Зайнулобидин Ҳусайний «Қонуни илмий ва амалий мусиқий»; 3. Камолиддин Биноий «Рисола дар мусиқий»; 4. Мир Муртоз «Рисолаи мусиқий»; 5. Абу Алишоҳ Бўка «Аслул васл»; 6. Ҳожи Шаҳобиддин Абдулло Марварид «Рисолаи мусиқий»; 7. Маҳмудий «Рисола дар илми мусиқий». Мазкур рисолалар Навоийни қаноатлантирмагани сабаб, ул Ҳазрат Хирот шайхул-Исломи Абдурахмон Жомийдан мусиқий рисола ёзиб беришни сўрайди. Оталари ҳам, қайниоталари Саъиддин Қашғарий ҳам ўз вақтида шайх ул-ислом бўлган Абдурахмон Жомий «Рисолаи мусиқий»ни ёзади.

Улуғбек Муҳаммад Тарағай ёшлигидан ўзга фанлар қатори мусика илмидан сабоқ олиб, бир қатор куй ва усуллар яратган, бу соҳага оид бешта рисола ҳам ёзган, деб ривоят қилинади. «Рисола дар илми мусика» номли асари мусика тарихига бағишланиб, унда «12 мақом баёни»га доир махсус боби ҳам бўлган. Улуғбек «Булужий», «Шодиёна», «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон» ва «Усули отлиғ» куйларини ижод қилган деган гап ҳам бор. XIII–XV асрларда Шарқ мусикашунослигида رسالة موسيقي (Рисолаи мусиқий, яъни Мусика рисоласи) деб қабул қилинган жанр вужудга келди ва бу жанрда Сафийуддин Урмавий-Бағдодий араб тилида мусиқий асарларини таълиф этган бўлса, Марказий Осиёда форсий забон муаллифлар – Қутбиддин Шерозий, Абдулқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий, Зайнулобидин Ҳусайний ижод қилганлар.

Маҳмуд Шерозийнинг форс тилида ёзилган китоблари ичида машҳур энциклопедик асар درة التاج لغرة الدباج «Дурра ат-тож ли ғурра ад-Дебож» («Дебож кўркидаги тож дурри гавҳари») алоҳида мақомга эга. Мазкур энциклопедик асар, жумладан, унинг мусикага бағишланган қисми Мовароуннахр, Хуросон ва Эронда илмий ишларни араб тилида ёзиш анъанаси пасая бошлаган, илм ва бадиий адабиётнинг асосий қисми форс тилида ёзилаётган бир даврда форс тилида таълиф этилган илк асарлардандир. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, тили ўта мураккаб, араб сўзлари, терминларига бой. Масалан, мусика назариясига оид терминлар: صوت (савт – товуш), نغمة (нағма – тон), بعد (буёд – интервал), جنس (жинс – тетрахорд), جمع (жам – лад), لحن (куй), الحان (куйлар, мусика), تأليف (таълиф –

композиция), إيقاع (ийқо – ритм), чолғуларнинг номланишига оид терминлар: عود (уд), دف (доира), رباب (камончали чолғу) ёки мусиканинг таъсир кучи бўйича таснифланишининг номланишлари:

1. Алҳон малазза [الحن ملذة] – лаззатбахш мусиқа;
2. Алҳон мухаййила [الحن مخيلة] – хаёлий мусиқа;
3. Алҳон инфийолия [الحن إنفعالية] – ҳаяжонлантирувчи мусиқа.

Абдулқодир Мароғий мусикашуносликка оид назарий асарларини Амир Темур саройида ва паноҳида ёза бошлаган. Ҳар сафарда ўзи билан олиб юрувчи Соҳибкирон Абдулқодир Мароғийнинг илмий ишларига шароит яратиш мақсадида, 1398 йил апрелидан 1399 йил 27 апрелигача давом этган Ҳиндистон юришида қатнашмаслигига, Самарқандда қолишлигига ижозат беради²⁶ ва «ўн икки мақом ижрочилиги ривожланган бир даврда бу масалага доир назарий асар ёзмоқликни тавсия этади»²⁷.

Абдурахмон Жомий رساله موسيقي «Мусиқа рисоласи» билан буюк мусикашунос сифатида намоён бўлган²⁸.

«Мусиқа» сўзини X–XV аср мусикашуносликка оид араб ва сўнг форс манбаларида икки маънони англатган экан: куй ва куй басталаш ҳақидаги илм. Таъкидлаш лозимки, ҳозирда араб тилида от сифатида «موسيقي» (мусиқа) – «мусиқа» маъносини англатса, сифат бўлиб «موسيقي» (мусиқий) – «мусиқачи», «мусиқий» маъноларини билдиради. Форс тилида эса «موسيقي» (мусиқий) сўзи ҳам от бўлиб «мусиқа» ва ҳам сифат бўлиб «мусиқачи», «мусиқий» маъноларини англатувчи терминга айланди²⁹.

Жомий ўз рисоласида келтирган «Ўн икки мақом» номланишларининг фақат биттасигина арабча. Рисоласида «Ўн икки мақом»нинг номланишлари ва тартиби шундай берилади: عشاق (Ушшок); نوى (Наво); بوسليك (Буслик); راست (Рост); حسيني (Ҳусайний); حجاز (Ҳижоз)³⁰. راهوي (Роҳавий); زنگوله (Зангула); عراق (Ироқ); اصفهان (Исфажон); زيرافكند (Зирофканд) – (иккинчи, қўшимча аталиши – كوجك (кучэк)); بزرگ (Бузург)³¹.

Жомий рисоласида «Ўн икки мақом»нинг номланишлари ва тартиби шундай берилади: عشاق (Ушшок); نوى (Наво); بوسليك (Буслик); راست (Рост); حسيني (Ҳусайний); حجاز (Ҳижоз); راهوي (Роҳавий); زنگوله (Зангула); عراق (Ироқ); اصفهان (Исфажон); زيرافكند (Зирофканд)-(иккинчи, қўшимча аталиши – كوجك (кучэк)); بزرگ (Бузург)³².

Диссертациянинг учинчи боби «**Арабча мусикашунослик терминларининг ясалиши**» деб аталиб, унда мусикашунослик терминларининг араб тилидаги умумистеъмолдаги сўзлардан ясалиши,

²⁶ <http://www.encyclopaediaisiamica.com/mfdkhai2.php?sid=4360>

²⁷ Санъатшуносдик фанлари доктори О.А.Иброҳимовнинг таъкидлашича.

²⁸ عبد الرحمان جامي رساله موسيقي تاشكنت 1960 ص. 4386

²⁹ عبد الرحمان جامي رساله موسيقي تاشكنت 1960 ص. 439a

³¹ Джами А. Трактат о музыке. Перевод с персидского А.Н. Болдырева. (Приложение. Фотокопия «Трактата о музыке» на фарси). Редакция и комментарии: В.М.Беляева. – Ташкент: Из-во АН Уз.ССР, 1960. – С. 32.

³² Джами А. Трактат о музыке. Перевод с персидского А.Н. Болдырева. (Приложение. Фотокопия «Трактата о музыке» на фарси) Редакция и комментарии В.М. Беляева. Т.: Из-во АН Уз.ССР, 1960. - С. 32.

мусиқашуносликка оид мураккаб терминларнинг ясалиши, чет тиллардан сўз ўзлаштириш, арабчалаштириш орқали ясалган, чет тиллардаги сўзларни таржима қилиш (калькалаш) орқали ясалган мусиқашунослик терминлари, мусиқашунослик терминларининг сўз туркумларидан ясалиши тўғрисида фикр юритилади.

Ҷамъ ўзаги Куръонда кўп учрайди. Масалан, *يَوْمَ الْجُمُعِ йигилиш кун*, *қийёмат кун* каби мураккаб терминга айланган, аммо, X–XIII асрларда яратилган араб тилидаги мусиқа илмига оид рисоаларда *جمّع* – жинслар тизими, гамма (тўлиқ товушқатор) маъносини англатувчи терминга айланди.

Сўзнинг терминга айланиши узок давом этадиган мураккаб жараён. Муомаладаги оддий сўз ва сўз бирикмаларнинг ўзлари англатган асл маъноларидан ташқари ўзгача, махсус маъно англатувчи, онгли равишда мусиқа илмида ва мусиқа ижодиётининг бошқа соҳаларида қўлланиши натижасида мусиқа терминларининг катта қисми шаклланди.

مقام [مقامات] араб тилида «ўрин», «жой», «ҳолат», «вазият», «босқич», «даража» каби ўнга яқин луғавий маъноларни англатувчи сўздир. Жоҳилия даврида Макка қабила бошлиқлари учрашдиган жойни англатган³³.

مقام сўзи математикада «махраж» маъносини англатувчи термин бўлган.

X–XIII аср араб тилидаги мусиқашунослик китобларида *مقام* (мақом) сўзи «нағма жойи», «парда ўрни» маъноларини англатувчи терминга айланди. Ибн Сино «Жавами‘ул-илми-л-мусиқа» [جوامع علم الموسيقى] – «Мусиқа илми тўплами»да таъкидлайди: «Бирининг сон кўрсаткичи 8 иккинчисиники 3 бўлган икки нағма орасидаги буъд ёқимлидир, чунки 4 нинг ўрнида (мақомида) 8 турибди, 4 нинг 3 га нисбати эса бир бутун ва учдан бир нисбати 4:3 – ’ал-лазий би-л-’арба’*ا* *الذي بالأربعة* (кварта). Агар 3 тарафдан (8:3 нисбатда) олсак, уч олтининг ўрнида (мақомида), чунки унинг ярми олтидир. 6 нинг 8 га нисбати эса ’ал-лазий би-л-’арба’*ا* *الذي بالأربعة* (кварта) нисбатидир»³⁴. Ибн Зайла «Китабу-л-кафи фи-л-мусиқа» [كتاب الكافي في الموسيقى] – «Мусиқага оид тўлиқ китоб»ида ёзади: «Агар ’ал-лазий би-л-кул маратайн (иккиланган октава – квинтдецима)нинг икки ярмининг ҳар бири иккинчисига ўхшаш тақсимланишга эга бўлмаса, ҳар бир бўлак иккинчисида, ҳар бир нағма бошқасида ўз жойига (мақомига) эга бўлиши мумкин эмас» (М, 236)³⁵.

XIII асрнинг 50 йиллари яратилган Сафиуддин Урмавийнинг «Китабу-л-адвар» [كتاب الادوار] – «Даврлар китоби» номи билан машҳур асарида ҳам *مقام* (мақом) сўзи Ибн Зайланинг асаридаги каби «нағма жойи», «парда ўрни» маъноларини англатувчи термин сифатида қўлланилади.

³³ Азизов С.А. Лексико-грамматическое исследование музыкальной терминологии узбекского языка: Дис. ... канд.филолог. наук. – Ташкент: АН УЗР Институт языка и литературы, 1981. – С. 91.

³⁴ ابن سينا، أَلْشَفَاء، الرِّیاضیات. جوامع علم الموسيقى. تحقیق ومقدمة زكريا يوسف. تصدير و مراجعة أحمد فؤاد اللاهواني و محمود أحمد الحفني، المطبعة الأميرية بالقاهرة، 1956س. 27 ص

³⁵ أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. تحقيق زكريا يوسف. دار القلم. القاهرة 1964. ص. 236

мақом (мақом) термини XV–XVIII аср манбаларида «лад», «лад тизими»ни англатди ва «Ўн икки мақом парда» тизимини билдирувчи термин таркибида қўлланилди: دوازده مقامات. Жамларнинг энг комил турлари ўн икки мақом парда тизимга кирган.

Ўрта асрлар Ўрта ва Яқин Шарқ муסיқашунослигида биринчи бўлиб مقام (мақом) термини шу маънода Махмуд Шерозийнинг форс тилида ёзилган درة التاج لغرة الدباج «Дурра ат-тож ли ғурра ад-Дебож» («Дебож кўркидаги тож дурри гавҳари») асарида қўлланган дейилади.

XIX аср бошларидан классик муסיқа шакллари туркум кўринишдаги мустақил муסיқий асарларни ва уларнинг мажмуасини англатувчи терминга айланди.

جَمْع [جُمُوع] – умумистеъмолда «йиғилиш»; «йиғинди», «қўшилиш», «қўшиш» каби маъноларни англатса, ўрганилаётган давр муסיқашунослигида икки ҳар хил жинс тизимини англатувчи терминга айланди. Жам – икки октава чегарасигача бўлган лад тизими. Баъзи олимларнинг ҳисоблашларича, «гамма» сўзи «жам»нинг европалаштирилган шакли³⁶. Ибн Зайла ёзади: والجمع هو جملة أبعاد لحنية أكثر من جنس واحد تُرض في النفس وتُعد في الآلات لتستعمل و يتصرف عليها في (Битта жинсдан ортик бўлиб, нафс қабул қила оладиган, муסיқа тузишда муסיқа асбобларида ишлатса бўладиган, нағмалари такрорланиб, чўзилиб ва бирин-кетин келадиган кичик буёдларнинг йиғиндиси жамдир) جَمْع – лад тизими, жам.

طَنِينِي – умумистеъмолда «жарангли овозли, тиниқ товушли» каби маъноларни англатса, муסיқа илмига оид рисолаларда «катта бутун нағма» тушунчасини билдирувчи терминга айланди.

أنصاف [أنصاف] – умумистеъмолда «ярим», «яримта» каби маъноларни англатса, муסיқа илмига оид рисолаларда «катта ярим нағма» тушунчасини билдирувчи терминга айланди. طَنِينِيو أنصف – бир ярим нағма.

Муסיқашунослик терминларининг маълум қисми чет тиллардаги сўзларни ўзлаштириш, арабчалаштириш, араб тили вазнларига солиш орқали ясалган:

أُرْغُنْ [أراغن] – қадимий юнон тилида «қурол» маъносини беради. Орган – гармонсимон дамли асбоб номи. Ҳозирги орган назарда тутилмаган.

بربط – форс тилида «ўрдак кўкрак» деган маънони билдиради, аммо баъзилар, жумладан Ибн Сино ҳам عود сози шаклан ўрдак кўкрагига ўхшагани боис عود созини بربط деб ҳам атаганлар.

مُوسِيقَاتُ [مُوسِيقَى] – Юнон афсоналарида шерият, санъат ва илмларни ҳимоя қилувчи «Худолар санъати» дегани³⁷. Араб тилида от бўлиб келса, (муסיқа) деб талаффуз этилади, сўз охирида алиф мақсура бўлса санъат турларидан бири – «муסיқа»ни англатади, агар сифат бўлиб келса, (муסיқи) деб талаффуз этилади, сўз охирида «ий» бўлса муסיқий деб талаффуз

³⁶ Абу Али ибн Сина. Математические главы. «Книги знания» (Донишнома). (О математических главах «Книги знания» Ибн Сины и комментарии Умарова С.М. и Розенфельда Б.А.). – Душанбе: Ирфон, 1967. – С. 175.

³⁷ Словарь иностранных слов. Издание 13-ое. – М.: Русский язык, 1986. – С. 608.

этилади ва *мусиқачи* ёки *мусиқий* маъноларини ағлатади. موسيقى عملية – «амалий муסיқа»; موسيقى غير مؤثرة – «таъсирсиз мусиқа»; موسيقى مؤثرة – «таъсирли мусиқа»; موسيقى نظرية – «назарий мусиқа» مُوسِيقِي – «мусиқий», «мусиқачи».

[دساتين] – форсча сўз, «куй», «оҳанг» маъносини ағлатади. Муסיқашунослик термини сифатида [دساتين] – «парда»; رأس الدساتين – «бош парда», «сар парда».

[دستانات] – форсча сўз, «эртас», «ҳикоя» маъноларини ағлатади. Муסיқа термини сифатида [دستانات] – айтим мусиқаси бир шаклининг умумий номи.

طنبور [طنابير] – туркий «дўмбира» сўзининг кўринишларидан деган тахмин бор³⁸ ва у торли тирнама мусиқа асбобининг номи – «танбур» ёки «танбура».

Терминларнинг муайян қисми юнон тилидаги муסיқашунослик терминларини калькалаш орқали ясалган:

أَلْبُعْدُ الَّذِي بِالْكَالِ «ҳаммасини қамраб олган буъд» ибораси бўлиб, у юнон тилидан айнан таржимадир ва «кенглиги саккиз поғона бўлган ораликнинг ҳамма поғоналарини қамраб олган буъд» деган маъно беради. Шунинг учун лотин тилида бу буъд «octava» (октава – саккизинчи) деб аталган. أَلْبُعْدُ الَّذِي بِالْكَالِ (октава) Форобий асарларида أَلْبُعْدُ ذَوَالْكَالِ (ҳаммасини эгаллаб олган буъд) шаклида ҳам учрайди. Аммо бундай бирикмаларда, кўпинча أَلْبُعْدُ калимаси тушириб қолдирилади ва жумладан, мазкур термин куйидаги шаклга эга бўлади: ذَوَالْكَالِ ёки أَلْبُعْدُ بِالْكَالِ – октава.

Шуни таъкидлаб ўтмоқ лозим-ки, X–XV асрлар Марказий Осиё олимларининг муסיқашуносликка оид асарларида терминларнинг ясашида араб тилидаги сўз туркумларининг асосий қисми иштирок этади.

Муайян араб феълининг ўзагидан, феъл боблари вазнларидан фойдаланиб мусиқага оид терминлар яшаш усули. Бу усул кенг қўлланилган. Мисоллар:

تَأْلِيْف (II боб феъли) – «келиштирмоқ, «тузмоқ», «яратмоқ»; «таълиф» (композиция), «мослаштириш», «келиштириш», «тузиш», «яратиш»; مُؤَلَّف – «бастакор», «муаллиф», «тузувчи»; مُؤَلَّفَات – асарлар.

مَوْقِع (IV боб феъли) – «созламоқ»; إِيْقَاع «ийқо» (ритм), «вазн», «усул»; مُؤَقَّع – «созловчи», «мусиқашунос – ийқошунос».

Муסיқашунослик терминларининг катта қисми الإِسْم исм (от, сифат, олмош, сон, равиш, масдарлар, сифатдошлар) сўз туркуми шаклларида ясалган ва муайян туркум, боб, вазн, ўлчам, сон, ўзак бўйича вужудга келган. Бу нарса куйидаги мисолларда яққол кўринади:

1. *Сифатдошлар вазнларида ясалган терминлар*: - I فاعِل боб аниқ нисбат сифатдошлари вазни حَافِظ (ҳофиз), رَاجِع (қайтарма товуш), زَامِر (найчи), صَاعِد (кўтарилувчи товуш), ضَارِب (доирачи), طَافِر (сакрама кўчиш), لَاحِق (эргашувчи товуш), مَاهِر (маҳоратли).

³⁸ Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1993. – Б. 26.

– *مفعول* I боб мажхул нисбат сифатдошлари вазни *مجموع* (нағмалар жами), *موضوع* (маҳсус нағма), *مقروع* (тарақлатилувчи), *منصور* (Мансур), *موضوع* (мавзу), *مسموع* (эшитилувчи).

– *مفعّل* II боб аниқ нисбат сифатдошлари вазни *مؤلف* (муаллиф, бастакор), *مصمم* (кар қилувчи товуш), *ملحن* (бастакор)

Масдарлар вазнларида ясалган терминлар: – *فعل* масдар вазнларидан боб I *أنف* (шайтон харрак), *جمع* (жам, жинслар тизими, гамма – товушқатор), *حرف* (харф, товуш), *رقص* (ракс), *زفن* (имо-ишора рақси), *سمع* (эшитиш; ашула), *صوت* (товуш), *ضرب* (зарб, уриш, чертиш), *لحن* (куй), *نفخ* (пуфлаш).

– *فعل* I боб масдар вазнларидан *بطاء* (секинлик), *بُعد* (буъд – интервал), *عُنُق* (муסיқа асбоб дастаси), *عُنَج* (ўйноқилиқ), *مُشَط* (харрак – илгак).

Сифат вазнларида ясалган терминлар:

– *أفعل* Сифат вазнларидан *أنقل* (паст), *أحد* (баланд), *أسفل* (энг пастки парда), *أفضل* (энг фазилатли куй), *أكمل* (энг бут куй), *أنفع* (энг фойдали куй).

– *فعلی* Сифат вазнларидан *وسطی* (ўрта бармоқ пардаси), *صغري* (кичик нағма).

– *فعلیل* Сифат вазнларидан *ثقیل* (паст товуш), *جهير* (жарангдор товуш), *حَنِث* (тезкор накра, ийқо), *خفيف* (баланд товуш)

Аслий сифат вазнларидан ташқари нисбий сифат қўшимчаси *ي (ية)* ёрдамида ҳам муסיқашунослик термини ясалган. Масалан, *موسيقى* (муסיқа) сўзининг охиридаги алиф мақсура ўрнига нисбий сифат қўшимчаси *ي* бириктирилса, *موسيقىي* (муסיқий) бўлади ва у ўзбек тилига от сифатида «муסיқачи» деб ёки сифат маъносида «муסיқий» деб таржима қилиниши керак.

Сон вазнларида ясалган терминлар:

– *مفعّل* вазни. Тақсим сон *مُثلث* (зирга нисбатан «учинчи тор», «уч карра паст товушли тор», «уч карра йўғон тор»).

– *مثنى* (зирга нисбатан «иккинчи тор», «икки карра паст товушли тор», «икки карра йўғон тор»).

– *فعل* Каср сон вазни.

– *المثل و الثلث* бир бутун ва учдан бир (4:3=кварта).

– *المثل و الثمن* (бир бутун ва саккиздан бир (9:8=катта бутун нағма).

الإتفاق الأول (биринчи даража мослашуви).

Иккилик сон вазнида ясалган терминлар: *طنينان* (дитон), *الذي بالكّل مرتين* (квинтдецима).

Синиқ кўплик сон вазнларида ясалган муסיқашунослик терминлари: *أفعال* синиқ кўплик сон вазнларидан: *أبعاد* (буъдлар), *أبيات* (байтлар, шеърлар), *أصوات* (товушлар), *أمثال* (бир бутуннинг кўп марта орттирилгани), *ألحان* (куйлар, муסיқа), *أوتار* (торлар), *أنصاف* (катта ярим нағмалар, яримталар).

– *فعائل* Синиқ кўплик сон вазнларидан *طرائق* (Тароиқ – айтим муסיқаси бир шаклининг номи), *رسائل* (рисолалар)

Қурол отлари вазнларида ясалган терминлар:

– مِغْزَف (чанг чаладиган болғача), مِطْرَق (курол отлари вазнларидан: مِغْزَف (арфа), مِلْوِي (торли мусиқа асбобларидаги кулок).

– مِزْمَار (тилли пуфлама мусиқа асбоби), مِضْرَاب (мизроб, нохун, медиатор), مِفْتَاح (калит).

Ўрта асрлар Марказий Осиё мусикашунослигининг классик даврига оид терминларнинг ясалиш, танланиш усуллари ўрганиш ва терминларнинг лингвистик таҳлили шуни кўрсатади-ки, ҳар қандай сўз термин бўла олмайди. Бирок, тушунча билан бирга чет тиллардан кириб келган терминлар араб тилида луғавий маънога эга бўлмайди. Уларнинг мусикашунослик терминлари мусиқий илм ва адабий баён санъати билан ҳамоҳанг ривожланган ва даврлар мусиқий тафаккурини акс эттирган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Шарқ мусикашунослигида арабча терминларнинг танланиш принциплари ва уларнинг турлари**» деб аталган. Унда мусиқа назариясига, мусиқа амалиётига, мусиқа эстетикасига оид, рақс санъатига оид терминлар хусусида сўз юритилади.

Мусиқа назариясига оид терминлар. Форобий шундай ёзади: «Мусиқа ва унга тегишли нарсаларнинг илмий жиҳатдан ўрганилишига «Назарий мусиқа санъати» дейилади»³⁹. Ибн Сино бу борада шундай дейди: «Мусиқа математик фан бўлиб, куй яратишни ўрганиш мақсадида нағмаларнинг ёқимлилик ва ёқимсизлик жиҳатидан ҳолатларини ҳамда улар (нағмалар) орасидан ўтадиган замон миқдорини ўрганади. Мусиқа илми икки масалани қамраб олган. Улардан бири нағмаларнинг ҳолатлари ҳақидаги баҳс бўлиб, таълиф (мослашув) дейилади, иккинчиси – нағмалар орасидан ўтадиган замон миқдори ҳақидаги баҳс. *У ийқо (ритм) илми* деб аталади»⁴⁰.

Муаллифлар мусиқа назарияси шуғулланадиган масалаларни аниқлаш борасида асарларининг кўп ерида тўхталиб, назарий мусиқа санъати [صناعة الموسيقى النظرية]га лўнда таъриф берадилар. Бу борада Ибн Зайла Ибн Синога жуда яқин. У ўз китобида ёзади: «Аш-Шайх Абу Мансур ал-Хусайн бин Муҳаммад бин Умар бин Зайла дейди-ки, мусиқа илми икки баҳсни ўз ичига олади: Улардан бири, нағмалар (тонлар)нинг ёқимли ёки ёқимсизлиги нуқтаи назаридан, уларнинг ҳолати ҳақидаги баҳс бўлиб, 'Илм 'ат-та'лиф *علم التأليف* *мослашув (композиция) илми* деб аталади, иккинчиси эса, нағмалар орасидан ўтадиган замон миқдори ҳақидаги баҳс бўлиб, 'Илму-л-'ийқа *علم الإيقاع* *ийқо (ритм) илми* дейилади.

'Илму-т-та'лиф علم التأليف мослаштириб тузиш (композиция) илми ва унга хос терминлар. Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла товушнинг ҳосил бўлиш сабаблари, сифатлари ва мусиқий товушларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш назарий мусиканинг бош вазифаларидан бири деб билади.

Мусиқа товушлари – нағмалар жаҳара [جهارة] – жарангдорлик, хафата [خفافة] – жарангсизлик, хидда [حدة] – баландлик ва сақл [ثقل] – пастликлари билан фарқланади.

³⁹أبو نصر الفارابي. كتاب الموسيقى الكبير. تحقيق و شرح غطاس عبد الملك خشبة. مراجعة و تصدير دكتور محمود أحمد الحفني. دار الكتاب العربي للطباعة و النشر بالقاهرة. بدون سنة. ص 83

⁴⁰ابن سينا، الشفاء، الرياضيات. جوامع علم الموسيقى. تحقيق ومقدمة زكريا يوسف. المطبعة الاميرية بالقاهرة، 1956س. 9 ص

Ибн Зайланинг таърифи бўйича, ҳар қандай товуш тўрт кўрсаткич билан белгиланади: жарангдорлик [جهارة], жарангсизлик [خفافة], баландлик [جدة] ва пастлик [ثقل]. Бу кўрсаткичлардан иккитаси, яъни баландлик [جدة] ва пастлик [ثقل] ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

«Нағмалар (тонлар)нинг ёқимли ёки ёқимсизлиги нуқтаи назаридан, уларнинг ҳолати ҳақидаги баҳс ‘Илму-т-та’лиф علم التأليف – мослашув (композиция) илми деб аталади»⁴¹.

Ибн Зайланинг таълиф (композиция) назариясидаги нағмалар ва нағмалар нисбати – буъдлар (интерваллар)дан кейинги масала жинс (тетрахорд) масаласидир. Ўрта асрларда яратилган мусиқа илмига оид китобларда жинс [جنس] – иккитадан кам бўлмаган буъдлар йиғиндиси, деб тушунтирилади. Жинс – кварта оралиғидаги дастлабки товушқатор бўғинини ҳам билдиради ва у ҳозирги мусикашуносликдаги «тетрахорд» маъносини англатади. Шунинг учун ҳам Форобий бу ҳақда ёзади: إن مفصل البُعد الذي بالأربعة (Уч буъдга бўлинган ‘ал-лазий би ‘ал-арба‘а – квартани, бу таълимотнинг қадим соҳиблари жинс деб атадилар)⁴². Ибн Сино жинсни шундай таърифлайди: مضمنا ثلاثة ابعاد جنساسمى الذي (Уч буъдни бирлаштирган ‘ал-лазий би ‘ал-‘арба‘а (кварта) – жинс дейилди)⁴³. Ибн Зайла бу борада жуда содда ва тўғри гап айтиб ёзади: «Улар (ўтмиш олимлари) учта буъдни ўзида мужассамлантирган ‘ал-лазий би ‘ал-‘арба‘а (кварта)ни жинс (тетрахорд) деб атадилар ва жинсларни қуйидагича таснифлаб, уч синфга ажратдилар ва ҳар бир синфга ном бердилар:

1. Жинс қавий [جنس قوي] – кучли жинс (диатоник жинс).
2. Жинс рахв [جنس رخو] – заиф жинс (хроматик жинс).
3. Жинс му‘тадил [جنس معتدل] – мўътадил жинс (энгармоник жинс).

Рахв – заиф жинс мулавван ملون – рангдор, мўътадил жинс эса расм راسم – чизмакаш жинс деб ҳам аталиши мумкин»⁴⁴.

‘Илму-л - ‘ийқа‘ علم الإيقاع – ийқо (ритм) илми ва унга хос терминлар. Мусиканинг асосий унсурларидан яна бири нағмалардаги вақт ўлчовидир. Бу масалани ўрганувчи илмни қадимда ийқо (ритм) илми деганлар. Форобий ийқони шундай таърифлайди: فإن الإيقاع هو النقلة على النغم في أزمنة محدودة المقادير و النسب (Ийқо бу муайян миқдордаги вақт ва нисбатнинг нағмаларда кўчиб юришидир)⁴⁵. Ибн Сино бу борада дейди: فالإيقاع من حيث هو إيقاع هو: تقدير ما لزمان (Ийқонинг ийқолиги – нақралар вақти ўлчовини белгилаш)⁴⁶. Ийқони шарҳлаб Ибн Зайла ёзади: «Ораларидан муайян вақт ўтмай бирга чалинган нағмалардан куй тузиш мумкин эмас. Куй, ораларидан вақт ўтиб, бирин-

⁴¹ Ўша жойда.

⁴² أبو نصر الفارابي. كتاب الموسيقى الكبير. تحقيق و شرح غطاس عبد الملك خشبة. مراجعة و تصدير دكتور محمود أحمد الحفني. دار الكاتب العربي للطباعة و النشر بالقاهرة. بدون سنة. ص 278

⁴³ ابن سينا، أشفاء، الرياضيات. جوامع علم الموسيقى. تحقيق ومقدمة زكريا يوسف. المطبعة الاميرية بالقاهرة، 1956س. ص 41

⁴⁴ أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. تحقيق زكريا يوسف. دار القلم. القاهرة 1964. ص. 222a

⁴⁵ أبو نصر الفارابي. كتاب الموسيقى الكبير. تحقيق و شرح غطاس عبد الملك خشبة. مراجعة و تصدير دكتور محمود أحمد الحفني. دار الكاتب العربي للطباعة و النشر بالقاهرة. بدون سنة. ص 436

⁴⁶ ابن سينا، أشفاء، الرياضيات. جوامع علم الموسيقى. تحقيق ومقدمة زكريا يوسف. المطبعة الاميرية بالقاهرة، 1956س. ص 81

кетин келадиган нағмалардан тузилади»⁴⁷. Куй «нағмалари орасидан ўтадиган замон миқдори ҳақидаги баҳс ‘Илму-л-’ийқа – علم الإيقاع – ийқо (ритм) илми дейилади»⁴⁸. «Ийқо’ал-’ийқа – الإيقاع – нақралар вақт ўлчовини белгилаш». Нағманинг бўлинмас, энг кичик вақт бирлиги – накра [نقرة]. Демак, накра [نقرة] – энг майда, бўлинмас метро-ийқоий бирлик, энг қисқа лаҳза ‘ал-’ийар العيار эса, вақт ўлчов бирлиги бўлиб, у ت (та)ни талаффуз этиш вақтига тенг. Бу ҳақда Ибн Зайла ёзади: «Агар у [ت] сукунли бўлса, ‘ал-’ийар – العيار – ўлчов бирлиги вақтининг ярмига тенг муддатда эшитилади, агар ҳаракатли бўлса, ўлчов бирлиги вақтида – та – ت вақтида эшитилади. Агар биз ўлчов бирлиги та – ت га яна бир сукунли ҳарф қўшсак, тан – تن ҳосил бўлади. Уни ўлчов бирлиги бўлган вақт ‘ал-’ийар – العيار нинг ди‘фи [ضِعْفُ] – иккилангани деб ўйлаш мумкин. Аммо бу – хато. Чунки бу вақтни иккилангани тана – تن бўлиб, унда нун ҳам ҳаракатлидир. Демак, ўлчов бирлиги ‘ал-’ийар العيار нинг иккиланганини тана – تن билан ифода этилар экан. Та – ت нинг вақти хафиф خفيف – енгил, тан – تن нинг вақти сақил ثَقِيل – оғир деб аталади»⁴⁹. Маълум бўлдики, ت (фатҳали т) – ‘ал-’ийар العيار – вақт ўлчов бирлиги, ت (сукунли т) – ‘ал-’ийар العيار – вақт ўлчов бирлигининг ярми, تن (тана – т фатҳали, н фатҳали) – ‘ал-’ийар العيار вақт ўлчов бирлигининг иккилангани. Та – ت нинг вақти хафиф خفيف – енгил, тан – تن нинг вақти сақил ثَقِيل – оғир.

Вазн сақланган ҳолда ийқо нақраларининг баъзиси иккилантирилиши мумкин, бу тад‘иф [تَضْعِيفُ] дейилади, баъзиси тушириб қолдирилиши мумкин, бу тай [طَي] дейилади. Тад‘иф [تَضْعِيفُ] (нақрани иккилантириш) ва тай [طَي] (нақрани яшириш) каби ийқога тегишли мусиқий безакларни ишлатиш «натижасида «мустаф‘илун» مستفعلن дан «мафа‘илун» مفاعِلن га ўтишга ўхшаб табиийликка яқин ва гўзал бир мавқени эгаллаган ўйноқилик ҳосил бўлади»⁵⁰.

Форобий асосий саккиз ийқо турини шарҳлаган ва ҳар бирининг номларини келтирган. Уларнинг номлари қуйидагилар: 1. Ҳазаж [الهِزَج]. 2. Хафифу-л-ҳазаж [خفيف الهزج]. 3. Хафифу-р-рамал [خفيف الرمل]. 4. ‘Ар-рамал [الرمل]. 5. ‘Ас-сақилу-с-саний [الثقليل الثاني]. 6. Хафифу-с-сақили-с-саний (‘Ал-махурий), [خفيف الثقليل الثاني]. 7. ‘Ас-сақилу-л-’аввал [الثقليل الأول]. 8. Хафифу-с-сақили-л-’аввал [خفيف الثقليل الأول]⁵¹.

Ибн Сино ҳам қуйидаги саккиз ийқо турини шарҳлайди: 1. Ҳазаж [الهِزَج]. 2. Хафифу-л-ҳазаж [خفيف الهزج]. 3. ‘Ас-сақилу-л-’аввал [الثقليل الأول]. 4. Хафифу-с-сақили-л-’аввал [خفيف الثقليل الأول]. 5. Рамал [رمل]. 6. Хафифу-р-рамал [خفيف الرمل]. 7. ‘Ас-сақилу-с-саний [الثقليل الثاني]. 8. Хафифу-с-сақили-с-саний (‘Ал-махурий), [خفيف الثقليل الثاني]⁵².

⁴⁷ أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. تحقيق زكريا يوسف. دار القلم. القاهرة 1964. ص. 227a.

⁴⁸ Ўша асар. – Б. 220a.

⁴⁹ Ўша асар. – Б. 228a.

⁵⁰ أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. تحقيق زكريا يوسف. دار القلم. القاهرة 1964. ص. 228b.

⁵¹ [أبو نصر الفارابي. كتاب الموسيقى الكبير. تحقيق و شرح غطاس عبد الملك خشبة. مراجعة و تصدير دكتور محمود أحمد الحفني. دار الكاتب العربي للطباعة و النشر بالقاهرة. بدون سنة. ص 1022-1055]

⁵² 119 p. – Б. 220a. جوامع علم الموسيقى. تحقيق ومقدمة زكريا يوسف. المطبعة الاميرية بالقاهرة، 1956س.

Форобий ва Ибн Синода ийқо турларининг сони бир хил бўлса ҳам, тартиб ва таърифлари ҳар хил.

Муסיқа амалиётига оид терминлар. Муסיкий товушларнинг, бир томондан лад муносабатлари (мослашуви, уйғунлашуви) иккинчи томондан ийқо асослари бўлган уларнинг узун-қискаликлари (вазни, метр ва ўлчовлари) – кўҳна оғзаки анъанадаги устозона муסיқамизда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келган.

Муסיқа амалиётини таърифлаб Ибн Зайла ёзади: «Муסיқа санъати қуйидагилардан иборат: Эшитувчилар ҳиссига таъсир этувчи – муסיқани чалиш санъати ва ҳиссиётга таъсир эта олмай, фақат муסיқани басталаш, тузиш санъати. Уларнинг ҳар иккиси – сина‘ату-л-муסיқа-л-‘амалия صناعة العملية – амалий муסיқа санъати деб аталди»⁵³. Демак, муסיқа амалиётининг ўзи икки синфдан иборат: 1. Та’лифу-л-лухун⁵⁴ [تأليف اللحن] – муסיқа басталаш; 2. ‘Ад а’у-л-‘алхан⁵⁵ [أداء اللحن] – муסיқа ижрочилиги.

Та’лифу-л-лухун [تأليف اللحن] – муסיқа басталаш ва унга хос терминлар. Та’лифу-л-лухун⁵⁶ [تأليف اللحن] – муסיқа басталашни Форобий сиғату-л-‘алхан [صيغة الألحان] деб юритган⁵⁷. Саға [صاغ] феъли «тузмоқ», «шакллантирмоқ» маъноларини билдириб, Ибн Зайла ҳам уни «басталамоқ» маъносида ишлатади⁵⁸.

Муסיқа эстетикаси оид терминлар. Араб тилида илк яратилган муסיқа илмига оид назарий асарлардаёқ муסיқа эстетикаси муайян фалсафий йўналиш билан боғлиқ бўлган. Муסיқанинг инсонга таъсири, муסיқанинг нафсга таъсири ва муסיқани ҳис этиш масаласи Марказий Осиё муסיқашунослигининг классик даври юқори поғонаси Илмий – амалий йўналиш муаллифлари асарларида муҳим ўрин эгаллайди. Бу мавзунини идрок этмоқ учун, аввало нафс [نفوس، أنفوس] - نفس сўзини термин сифатида тўғри англамоқ даркор. Арабча нафс [نفوس، أنفوس] - نفس сўзи «дил», «руҳ», «шахс», «жон», «ўз» ва яна бир қанча маъноларни англатади. Ўрта асрларда араб тилида яратилган фалсафий рисолаларда нафс, баъзан тан билан боғлиқ бўлмаган номоддий, мустақил унсур сифатида тушунтирилса, баъзан нафсни жисмоний тузилиш билан бевосита боғлиқ, биологик, иқлимий ва бошқа шарт-шароитларга тобе қилиб тушунтирилади.

Товуш ҳосил бўлиши ва унинг сабаблари [حُدُث الصوت و أسبابه], яъни, муסיқанинг пайдо бўлиши борасида Ибн Зайла пешқадам фикрли эди:

⁵²Ўша асар. – Б. 228а.

⁵²Абу منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. تحقيق زكريا يوسف. دار القلم. القاهرة 1964. ص. 228б.

⁵³Ўша жойда.

⁵⁴([أبو نصر الفارابي. كتاب الموسيقى الكبير. تحقيق و شرح غطاس عبد الملك خشبة. مراجعة و تصدير دكتور محمود أحمد الحفني. دار الكاتب العربي للطباعة و النشر بالقاهرة. بدون سنة. ص 1022-1055]

⁵²ابن سينا، أشفاء، الرياضيات. جوامع علم الموسيقى. تحقيق ومقدمة زكريا يوسف. المطبعة الاميرية بالقاهرة، 1956س. ص 119

⁵³Ўша асар. – Б. 232а.

⁵⁴Ўша жойда.

⁵⁵Ўша асар. – Б. 226а.

⁵⁶Ўша асар. – Б. 233б.

⁵⁷([أبو نصر الفارابي. كتاب الموسيقى الكبير. تحقيق و شرح غطاس عبد الملك خشبة. مراجعة و تصدير دكتور محمود أحمد الحفني. دار الكاتب العربي للطباعة و النشر بالقاهرة. بدون سنة. ص 55.]

⁵⁸أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. تحقيق زكريا يوسف. دار القلم. القاهرة 1964. ص. 232 а

«Инсон ва бошқа барча овозли тирик мавжудот [الحيوانات المصوتة] лаззатланиш [ملذة] ёки азобланиш [مؤذية] ҳолларида овоз чиқаради. Хурсандчиликда [طرب] эшитиладиган овоз ва нағмалар хавф-хатар [خوف] туғилганда эшитиладиган овоз ва нағмалардан фарқ қилади, яъни ҳаяжоланишнинг [الإنفعال] турли кўринишларига хос овозлар бор. Агар бу овоз ва нағмалар ишлатилса ҳаяжон ортиши ёки камайиши мумкин»⁵⁹. Ибн Зайланинг муסיқанинг пайдо бўлиш назариясига кўра инсон нутқининг ҳам, муסיқанинг ҳам асоси бир. У – нутқ товуши [حرف] ва овоз [صوت]. Бу назария замонасининг илғор назарияси бўлиб, муסיқа эстетикасининг кейинги ривожидавомида муסיқанинг пайдо бўлиши масаласидаги илмий назариянинг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатди.

Ибн Зайла муסיқанинг тарбиявий аҳамияти ҳақидаги таълимотни янги босқичга кўтарди, аммо бу борадаги гаплари китобнинг бир ерида жам этилмаган, бир тизимга солинмаган ва улар асосан ахлоқий-эстетик маънога эга.

Рақс санъатида оид терминлар. Муסיқа билан бевосита алоқадор санъат турлари رقص рақс санъати, زفن зафн – елка, қош, бош ва тананинг шу каби аъзоларини ўйнатиш санъати, كراجه каррожа – ҳайвон ва қушларга тақлид қилиб ўйнаш санъати, صناعة التصفيق қарсақ чалиш санъатидир» - дейди Абу Мансур ибн Зайла каби олимлар.

X–XV аср араб тилидаги муסיқа рисолаларида рақс санъатида қўлланиладиган асосий чолғулар урма муסיқа чолғулари экани ёзилиб, улар ҳақида гап кетганда рақс санъатининг баъзи турлари ҳам келтириб ўтилади. Шарқ рақсларида жўр бўлиб келувчи асосий чолғу – ўрта аср манбаларида «Даф (дуфуф)» деб аталган. Даф (дуфуф) – доира (доиралар).

Даф – доирадан ташқари рақс санъатида кўп чолғулар қўлланилган, жумладан, қуйидагилар:

1. Сурнай [سُرْناي] – Сурнай [سُرْناي] терминининг ўзи икки сўздан иборат: биринчиси *sarra* [سَرّ] (хурсанд қилмоқ) арабча феълдан ясалган масдар *сур* [سُرّ] (хурсандчилик) ёки *сурур* [سُرُور] (хурсандчилик), иккинчиси форсча *най* [نای] сўзи, яъни *сурнай* терминининг маъноси – *хурсандчилик найи*. Сурнай [سُرْناي] – ёғочдан ясалган, тилли пуфлама муסיқа чолғуси.

2. «Ал-ийқа‘ би-л-қадиб» – таёкча билан усул бериш. Махсус икки таёкчани бир бирига уриб усул бериб туриш қадимдан бор. Ҳозир ҳам кўчманчи арабларда «қадиб» деганда, араб халқ рақс ижрочилигида қўлланиладиган, қайроққа ўхшаш урма муסיқа сози тушунилади. «Ал-ийқа‘ би-л-қадиб» – рақс турларидан бирининг номи ҳамдир. «Қадиб» сўзи арабчадан ўзбекчага «новда», «новдача», «таёк», «таёкча», «темир таёк» деб таржима қилиниши мумкин. Зардуштийлик дини тарқалган даврларда «бож гирифтан» диний маросимларида «қадиб» – гул ёки дарахт новдалари билан рақсга тушганлар. Таёк, таёкча, ўсимлик новдалари, темир таёкчалар билан рақсга тушиш ислом фатҳидан кейин ҳам давом этиб келмоқда.

⁵⁹أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. تحقيق زكريا يوسف. دار القلم. القاهرة 1964. ص. 233а

3. «Ат-тасфиқ би-л-йад» – кўл қарсак. Ибн Зайла бу сўз бирикмасини икки маънода ишлатади. Биринчиси урма мусиқа сози маъносида – қарсак чалиб усул бериб туриш. Иккинчиси «тасфиқ» – қарсак билан боғлиқ рақс тури маъносида.

4. «Сина‘ат аз-зафн» – зафн санъати. Зафн санъатини Ибн Зайла шундай таърифлайди: «Сина‘ату-з-зафн» – зафн санъати елка, қош, бош ва тананинг шунга ўхшаш аъзоларини ҳаракатлантириб ўйнашдир. Ҳақиқатан, у фақат ҳаракатдан иборат». Зафн рақс демакдир. «Сина‘ату-з-зафн» – зафн санъати юз, лаб, кўз, қош, елка каби аъзоларни ўйнатиб тушиладиган алоҳида рақс турининг номи бўлган.

5. «Жулжул» («Жалажил») ёки ўзбек тилида – «жом», «бонг», «занг» номлари билан аталувчи кўнғироқ турлари мусиқа санъатида ҳам, рақс санъатида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

ХУЛОСА

X–XV асрлар Марказий Осиё олимларининг мусиқашуносликка оид асарларидаги арабча мусиқа терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиётини тадқиқ этиш қуйидаги илмий хулосаларга олиб келади:

1. Араб мусиқа терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиётида X–XV асрлар Марказий Осиё олимларининг мусиқашуносликка оид асарлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Марказий Осиё буюк муфассирлар, муҳаддислар юрти бўлиш билан бирга аниқ фанлар бўйича улуғ уламо юрти ҳамдир. Мусиқашунослик математиканинг бир бўлаги ҳисобланган. Бу соҳа билан Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Хоразмий, Ибн Зайла каби улуғлар шуғулланган. Масалан, Форобийнинг كتاب الموسيقى الكبير «Катта мусиқа китоби»и, التعليم الثاني «Иккинчи таълимот» деб аталмиш жуда катта ҳажмдаги энциклопедик асарнинг бир бўлаги, Абу Али ибн Синонинг جوامع علم الموسيقى «Мусиқа илми тўплами» китоби эса «Шифо» қомусий асарининг мусиқашуноликка доир боби, Хоразмийнинг مفاتيح العلوم «Илмлар калитлари» қомусий асарининг мусиқа илмига бағишланган боби في الموسيقى «Мусиқа ҳақида» деб аталади. Ибн Синонинг шогирди ва издоши Ибн Зайланинг كتاب الكافي في الموسيقى «Мусиқага оид тўлиқ китоб»ларида мусиқа илмининг назарий асослари, ритм, шакл, жанр, музикаий терминлар низоми, назарий-мантиқий жиҳатдан нағмалар жами – лад тизими ва бошқа назарий масалалар ишлаб чиқилган.

2. X–XIII асрларда умуман, араб терминологик лексикаси турли соҳаларда шаклланибгина қолмай, тараққий этди ҳам. Фалсафа, тиббиёт, математика, ҳуқуққа ва ўзга соҳаларга доир арабча терминлар тизимларининг шаклланиши ва тараққиётида жумладан, мусиқашуносликка доир терминлар тизимларининг шаклланиши ва тараққиётида ҳам Исломнинг, аниқроғи, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифнинг таъсири каттадир. Чунки, VII асрда Қуръони каримда келтирилган баъзи сўзлар, кейинча мусиқашунослик терминлари сифатида қўлланилди.

3. XIII–XV асрларда араб ва форс тилларида ижод қилганлар асосан, Марказий Осиё олимлари Сафийуддин Урмавий-Бағдодий, Қутбиддин Шерозий, Абдулқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий, Зайнулобидин Хусайний асарларида араб тилидаги терминлар тизимининг шаклланиши ва тараққиётини кузатиш мумкин. Марказий Осиё халқлари муסיқашунослигининг араб тилидаги терминлари тизими ва унинг генезиси Абулфараж Исфаҳонийнинг «Катта кўшиқлар китоби»да зикр этилган ва юнон олимларининг муסיқий назарий меросида эсланган тушунчаларга суянган.

4. Шарқ муסיқашунослигининг классик даври арабча терминларнинг ясаиш усуллари кўпроқ умумистеъмолдаги сўзлардан муסיқашунослик терминлари ясаиши ва мураккаб терминларнинг ясаиши усулларига асосланган бўлиб, жуда кам миқдордаги терминлар чет тиллардаги сўзларни ўзлаштириш, арабчалаштириш орқали муסיқашунослик терминларининг ясаиши ва чет тиллардаги сўзларни айнан таржима қилиш (калькалаш) орқали муסיқашунослик терминларининг ясаиши усулларига асосланганлиги ҳамда муסיқашунослик терминлари ясаишида асосий учта сўз туркумидан кенг фойдаланишлик араб тили лексикаси жуда бойлиги ва грамматикаси пухта ишланганлигидан далолатдир.

5. X–XV асрлар Марказий Осиё олимларининг муסיқашуносликка оид асарларида терминлар морфологик, лесико-семантик, синтактик, морфолого-синтактик ва чет тиллардаги сўзларни ўзлаштириш, арабчалаштириш, калькалаш усуллари орқали ҳосил қилинган эди. Биз кўриб чиққан терминларнинг аксарияти, араб тили ички имкониятларидан фойдаланилган ҳолда, морфологик усулда ясалган терминлардир.

6. Термин бир сўздан иборат бўлса, содда термин, икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлса, у ҳолда мураккаб термин саналади: содда термин, لحن оҳанг, صوت овоз мураккаб термин, الأغذية الطّبيعية табиий (зарурий) озуқа; آلات оҳанг, آلات ذوات الأوتار торсиз созлар, الأوتار торли созлар, آلات الإيقاع ўрма созлар, نسبة المثل و الجزء «бир бутун ва каср сон нисбати». نسبة المثل و النصف «бир бутун ва иккидан бир нисбати» (3:2=квинта). Терминларнинг оз қисми чет тиллардаги сўзларни ўзлаштириш, арабчалаштириш ёки айнан таржима қилиш (калькалаш) орқали ясалган муסיқашунослик терминларидир. Тарихий муштараклик жараёнлари Яқин ва Ўрта Шарқ миллий маданиятларининг шаклланиши ва ривожини учун ўта муҳим саналади. Шунинг учун ҳам кўпинча бу соҳадаги тадқиқотлар тор миллий, минтақавий анъаналар ҳудудидан ташқарига чиқиб кетади. Мазкур ҳодисани мақомлар мисолида яққол кўриш мумкин.

7. X–XV асрлар – Шарқ муסיқашунослигининг классик даври арабий ва форсий манбаларини турли жиҳатдан, жумладан, тилшунослик, манбашунослик, матншунослик, муסיқашунослик ва яна бошқа жиҳатлардан ўрганиш Шарқ муסיқа назарияси ва амалиётини ўрганишда, умуман, муסיқа шакллариининг тадрижий ривожини таҳлил этишда нақадар қимматли

бўлгани каби, замонавий ўзбек музикасининг устувор асоси мақомларни жиддий ўрганишда шу қадар қимматлидир.

8. Қадим юнон мутафаккири Платон (Афлотун)нинг «Музыка – давлат ҳақидаги таълимотнинг таркибий қисми» ва Аристотел (Арасту)нинг «Музыка – шеърият назариясининг бир бўлаги» деган қарашларидан фарқли ўлароқ, Марказий осийдан чиққан Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Абу Абдулло Хоразмий каби олим ва мутафаккирлар Шарқда мустақил музикашунослик фани вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳамда шу минтақа халқлари музикаларига оид терминлар тизимининг шаклланиши ва ривожига асос солганлардан бўлди.

9. Улар юнон ва қадимий римликлар музикаий-назарий меросига ижодий ёндашди, Форобий ва Ибн Синонинг Шарқ музикашунослигидаги ютуқларини янги давр талаблари асосида ривожлантирди ҳамда Мовароуннахр, Хуросон ва Эрон халқларининг маҳаллий музика амалиётига суянган ҳолда соф илмий йўналишда музикашунослик терминлари тизимини янги ривож поғонасига кўтарди. Бунда ўрта асрлар Шарқ музикашунослиги ва терминшунослигидаги ворислик анъаналари яққол ўз ифодасини топди.

10. X–XV асрларда Марказий Осиёда кенг истеъмолда бўлган музикашунослик терминларининг мукамал тизими мавжуд. Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Абу Абдулло Хоразмий ўрта асрлар Шарқ музикашунослик терминлари тизимининг ижодкорларидир. Араб тилидаги музикашуносликка оид терминларнинг шаклланиши ва ривожланиши кўп асрлар давом этган мураккаб жараёндир. Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Абу Абдулло Хоразмий қўллаган музикага оид терминлар умумистеъмолдаги сўзлардан, феъл ўзаклари, ҳосила феъл вазнларидан, исм вазнларидан, синтактик йўл билан, ўзлашган сўзлардан ва чет тиллардаги (юнон тилидаги) музика терминларини калькалаш воситасида ясалган.

11. X–XV асрларда Марказий Осиё олимлари китобларида ўзлашган сўзлардан ясалган терминлар ичида ўзаги юнонча бўлганлари камайиб, форсийлари кўпайган, лекин улар араб тили грамматикаси қонун-қоидаларига бўйсундирилган. Музикага оид терминлар содда (бир сўздан иборат) ва мураккаб (бирдан ортиқ сўздан иборат) шакллардадир. Содда музика терминлари этимологик жиҳатдан арабча (غناء – ашула), форсча (نای – най) ва юнончадир (ارغن – орган). Икки сўздан иборат мураккаб терминларда иккала сўз арабча (أداء الألحان – музика ижроси), иккала сўз форсча (دست بند – «дасти банд» рақси), биринчиси арабча, иккинчиси форсча (سُرْنای – сурнай), биринчиси форсча, иккинчиси арабча (زیر العود – уднинг энг ингичка (пастки) «зир» тори) бўлиши мумкин.

12. Ҳар қандай соҳадаги терминлар тузилмаси каби Ўрта асрлар Марказий Осиё музикашунослигининг классик даври юқори поғонаси манбаларида қўлланган музикашунослик терминларининг асосий қисми қўллаган музика терминлари мавзуй (тематик) таснифга бўйсунди. Булар музика назариясига хос терминлар; музика амалиётига оид терминлар ва

мусиқа эстетикасига доир терминлар. Бу уч синфнинг ҳар бири мусиқа илмининг нисбатан мустақил уч йўналишига хос терминлар бўлса-да, мусиқа йўналишлари каби уларга хос терминлар синфлари ҳам ўзаро мустаҳкам боғлиқ ва бир-бирини тақазо этади.

13. X–XV асрларда Марказий Осиё олимлари китобларида қўллаган мусиқа терминлари кейинги асрлар Шарқ мусиқасига оид рисоаларга кўчиб ўтди, бир тил доирасидан чиқиб кетди ва Шарқ мусиқасига оид барча манбаларда қўлланаверди. Бу терминларнинг бир қанчаси ҳозирги замон ўзбек мусиқашунослигида яшаб келмоқда.

Ўрта асрлар Марказий Осиё мусиқашунослигининг классик даври манбаларида қўлланган ва мусиқашунослик терминларининг асосий қисми «арабча-русча-ўзбекча» мусиқа терминлари луғати тузиб, иловага киритмоқлик тадқиқотимиз далилий асосини оширади ҳамда ўрта асрларда Шарқ тилларида яратилган мусиқа илмига оид ўзга шарқ тилларида қўлланган терминларни тадқиқ этишда йўлланма бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ, УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ,
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

АРИПОВ ЗАКИР ТАХИРОВИЧ

**СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ АРАБСКИХ
МУЗЫКАЛЬНЫХ ТЕРМИНОВ
(ПО ПРОИЗВЕДЕНИЯМ СРЕДНЕАЗИАТСКИХ
УЧЕНЫХ X-XV ВЕКОВ ПО МУЗЫКОВЕДЕНИЮ)**

10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора филологических наук (DSc)**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.3.DSc/Fil132.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном институте востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.tashgiv.uz и Информационно-образовательном портале www.ziyounet.uz

Научный консультант: **Содиков Косимжон Позилович**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Уватов Убайдулла**
доктор исторических наук, профессор

Шодмонов Нафас Намозович
доктор филологических наук

Абдушукуров Бахтиёр Бурунович
доктор филологических наук, доцент

Етакчи ташкилот: **Государственный музей литературы имени Алишера Навои**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.Fil.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 25. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрирована за №___). Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 25. Тел.: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.

(Протокол реестра рассылки №___ от «___» _____ 2019 года.)

А.М. Маннонов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

Р.А. Алимухамедов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н.

А. Куранбеков
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом музыковедении огромное внимание уделяется изучению макомов и их обучению, как основы классической музыки. При исследовании истории музыкальной культуры народов Востока, в качестве основных источников рассматриваются письменные памятники, относящиеся средневековой науке музыки. Научные источники, относящиеся музыковедения также входят в ряд духовного богатства, рукописных произведений и бесценных наследий, которые нам оставили наши предки. В книгах, созданных на арабском языке в X-XIII столетиях, часто встречаются логические, теоретические «джамы» – выражения «лад», музыковедческие термины.

Ученые и мыслители, вышедшие из Центральной Азии в X–XV веках – в классический период Восточного музыковедения внесли огромный, решающий вклад в становление и развитие Восточной науки музыки. X-XIII веках – явилась наивысшей стадией классического периода Восточного музыковедения, и в данный период в научной литературе на арабском языке появился жанр, который назывался كتاب الموسيقى, т.е. «Книга музыки». В жанре «Книга музыки» создали свои труды такие выдающиеся ученые, как Абу Наср Фараби, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур ибн Зайла, Абу Абдуллах Хоразми, которые не связывали происхождение музыки с различными легендами и религиозными мифами, а комментировали их на основе научных подходов, рассматривая музыку как составную часть математики. Достоверное научное направление, созданные ими были приняты их современниками и сподвижниками.

В настоящее время, когда в нашей стране во всех сферах осуществляются реформы, усиливается внимание на классическую музыку, особенно искусству «маком». «На протяжении многих веков это уникальное искусство, вдохновленное самоотверженным трудом и преданностью великих поэтов и ученых, композиторов, певцов и музыкантов, заслужило огромное уважение и славу не только в нашей стране и в странах Востока, но и во всем мире»¹. С этой точки зрения, основная часть источников, относящихся музыковедению тесно связана с корнями искусства маком, которое считается приоритетной основой узбекского национального музыкального искусства.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в государственных документах, в частности, в Постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах дальнейшего совершенствования узбекского национального искусства маком» за № ПП-3391 от 17 ноября 2017 года, Выступлении Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева 6 сентября 2018 года при торжественном открытии Международного фестиваля, посвященного искусству маком, а также в обеспечении исполнения задач, поставленных Президентом

¹ «Халқ сўзи», 2017 йил, 18 ноябрь.

Республики Узбекистан в пяти важных инициативах, выдвинутых 19 марта 2019 года по организации работ в социальной и духовно-просветительской сферах в соответствии с новой системой.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено согласно приоритетному направлению развития науки и технологии республики: 1. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, нравственно-духовном развитии информатизированного общества и демократического государства и пути их развития».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования, посвященные изучению письменных памятников Восточного музыковедения X–XV веков с точки зрения музыковедения, источниковедения, текстологии, лингвистики и других наук ведутся сегодня в ряде ведущих научных центров и высших образовательных учреждений мира, в частности, в Каирском университете Арабской Республики Египет (جامعة القاهرة), университете Тишрин (جامعة تشرين), университете Айнуш-Шамс (جامعة عين الشمس), Тегеранском университете Исламской Республики Иран (دانشکده تهران), Cambridge University (Великобритания), Indiana University, Bloomington (США), Lund University (Швеция), Istanbul Universitesi (Турция), Санкт-Петербургском государственном университете, Институте Мировой литературы РАН, Институте Азии и Африки (Россия), Донишгоҳи Тоҷикистон (Таджикистан), Институте узбекского языка, литературы и фольклора РУз, Ташкентском государственном институте узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Ташкентском государственном институте востоковедения, Международной Исламской Академии Узбекистана (Узбекистан).

В результате проведенных исследований по становлению, структурному составу и теоретической основе музыковедческих терминов Средневековья получен ряд научных результатов, в частности: аргументировано, что на Востоке возникла самостоятельная музыковедческая наука, основоположниками которой были такие центральноазиатские ученые, как Фараби, Ибн Сино, Ибн Зайла (Lund University, Indiana University, دانشکده تهران); осуществлены публикации научно-критических трудов центральноазиатских ученых о музыковедении (جامعة القاهرة, جامعة عين الشمس); разработаны научные основы музыковедческих терминов на арабском и персидском языках (Институт Мировой литературы РАН, Институт Азии и Африки, Донишгоҳи Тоҷикистон); осуществлены научные комментарии произведениям, в которых приведены термины, относящиеся арабского музыковедения, доказаны формы образования музыковедческих терминов (Ташкентский государственный институт узбекского языка и литературы

² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основании таких источников как <https://www.cam.ac.uk/>, <https://www.Indiana.edu/>, <https://www.lunduniversity.lu.se/>, www.azhar.edu.eg/, <https://cu.edu.eg/ar>, <https://www.uobaghdad.edu.iq>, <https://ut.ac.ir/en>, www.istanbul.edu.tr, <https://spbu.ru/>, <https://imli.ru/>, <https://www.ivran.ru/>, <https://www.msu.ru/info/struct/dep/isaa.html>, <https://philol.tnu.tj/KafZabAdMToj.htm>, <https://navoiy-uni.uz/uz-k>.

имени Алишера Навои, Ташкентский государственный институт востоковедения, Международная Исламская Академия Узбекистана).

В мировой науке ведется ряд научных исследований, посвященных изучению арабских музыковедческих терминов X-XV веков, в частности, в следующих приоритетных направлениях: исследование арабской музыковедческой терминологии и взгляды, относительно языкознания; выявление сведений об истории языка в музыковедческих терминах; способы образования музыковедческих терминов, изучение научных теорий относительно этапов их развития; комплексное изучение вклада центральноазиатских ученых в развитие музыкальную терминологию.

Степень изученности проблемы. У нас имеются работы по источниковедению, текстологии и музыковедению об источниках, относящихся науки музыки, созданной на арабском и персидском языках в X–XV веках, однако мало исследований по изучению музыкальных терминов, использованных в этих работах. Ни одна из них полным образом с арабского или персидского языка не переведены на узбекский или русский язык. Если бы были такие работы, ценность бы современных научных трудов о научных трактатах о старой музыке повысилась. Чтобы осуществить это в жизнь должен быть тщательно разработанный широкомасштабный научно-методический план.

